

ADOLAT

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA info@adolatgzt.uz www.adolatgzt.uz www.adolat.uz № 11 (1232) 2019-yil 15-mart, juma

ПРЕЗИДЕНТ ТОШКЕНТ ШАХРИДАГИ БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИ БИЛАН ТАНИШДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 14 март куни Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларини кўздан кечирди.

Давлатимиз раҳбари дастлаб Tashkent City халқаро бизнес марказига ташриф буюриб, конгресс-холл ва беш юлдузли меҳмонхона қурилиши билан танишди. Мазкур иншоотлар қурилиши ўтган йил март ойида бошланган бўлиб, бугунги кунда муҳташам конгресс-холл ва 21 қаватли меҳмонхонанинг бетон-каркас ишлари ниҳосига етган. Ҳозирда металл конструкциялар ва коммуникацияларни монтаж қилиш, томни ёпиш, ташқи пардозлаш ишлари олиб борилмоқда.

Президентимизга конгресс-холлнинг фасади, хоналари ва йўлакларининг кўринишига доир лойиҳалар намойиш этилди.

Tashkent City бизнес-марказлар, меҳмонхоналар, офислар, кўп қаватли уйлар, ресторанлар ва бошқа объектларни ўз ичига олган замонавий комплекс бўлади. Бу ерда олиқ даражадаги тадбирлар, йирик халқаро анжуманлар ўтказилади.

Шавкат Мирзиёев конгресс-холлнинг асосий зали, ҳар бир хонасини кўздан кечириб, уларнинг қандай безатилиши ва жиҳозланиши, меҳмонлар учун қандай шароитлар яратилиши билан қизиқди. Халқаро саммитлар чоғида кўпқабат делегациялар қатнашишини инобатга олиб, юқори мартабали меҳмонлар ва иштирокчиларнинг ҳаракатланиши, икки ва кўп томонлама учрашувлар ўтказиши, дам олиши учун кенг қулайликлар яратиш бўйича кўрсатмалар берди. Конгресс-холлнинг биринчи қавати замонавий дизайнда, иккинчи қавати эса классик услубда бўлиши зарурлигини таъкидлади. Йўлакларни юртимиз расмоларининг энг сара асарлари билан безатишни таклиф қилди.

Конгресс-холл ёнида қурилаётган меҳмонхонага оид лойиҳалар ҳам намойиш этилди.

Шу билан бирга, Президент Tashkent City яқинида қад ростлаган "Humo Arena" муз саройида олиб борилаётган сунгги пардозлаш ишларини кўздан кечирди.

Давлатимиз раҳбари 2017 йил 3 февраль куни ушбу мажмуа лойиҳасини маъқуллаб, унинг қурилишига тамал тоши қўйган эди. Ўтган қисқа вақтда мамлакатимиз шаҳарсозлигида янгилик бўлган кўп тармоқли спорт мажмуаси бунёд этилди.

Мажмуа Тошкент шаҳрининг Афросиёб ва Бешёғоч кўчалари кесилишида, 9 гектар майдонда қурилган. Замонавий муҳандислик технологияларини уйғунлаштирган "Humo Arena" мажмуасидан 12,5 минг ўринли кўп тармоқли муз аренаси, 200 ўринли машғулотлар майдони, тренажёр зали, спорт музейи ва кўпқабат бошқа объектлар ўрин олган.

Ҳар бири 60х30 метр ўлчамдаги асосий ва машқ майдонлари мусобақаларни халқаро талаблар даражасида ўтказиш, ёшларнинг спорт билан шуғулланиши учун яхши имконият яратди.

Мобил ўриндиқлар спорт мусобақаларидан бўш пайтда оммавий тадбирларни ўтказишга ҳам мослаша олади. Бу ерда хоккей, шорт-трек, фигурали учиш, кёрлинг билан бирга баскетбол, волейбол, гандбол, футбол, бокс, таэквондо ва бошқа спорт турлари бўйича мусобақалар ўтказиш мумкин. Бундан ташқари, байрам тадбирлари, концертлар, кўرғазма ва форумлар ташкил этиш учун ҳам шароит мавжуд.

Янги мажмуа мамлакатимизда спортни ривожлантириш, унинг қишқи турларини оммалаштириш, спортчилар тайёрлашни янги, халқаро даражага олиб чиқиш борасидаги ишларга қучли суръат бағишлади.

Президентимиз мажмуадан самарали фойдаланиш, оммавий тадбирлар вақтида хавфсизликни таъминлаш, иншоот атрофини ободонлаштириш бўйича кўрсатмалар берди.

ЎЗА



Юртимизда Наврўз шукуҳи

Она табиат уйғонди. Кун сайин яқинлашиб келаётган Наврўз айёми муносабати билан юртимизнинг барча ҳудудларида байрам сайилари бошланди.

Жумладан, Тошкент вилояти Оҳангарон тумани "Янги ҳаёт" маҳалласининг яшилликка бурканган сўлим гушасида Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Тошкент вилояти ҳокимлиги ва "Sevimli" телеканали ҳамкорлигида ташкил этилган тадбир ҳақиқий байрам шодибасига айланди. Байрам тадбирида карнай-сурнай садолари остида меҳмонларнинг

кутиб олиниши, фольклор жамоаларининг чиқишлари, миллий хунармандлик намуналари намойиши, дилларни яшнатган Наврўз шукуҳи барчага кўтаринки кайфият улашди. Сумалак, ош, ҳалим, шунингдек, баҳор неъматларидан тайёрланган кўк чучвара, кўк сомса сингари тансиқ таомлар байрам дастурхонини безади.

Она юрт, баҳор ва Наврўз мадҳида янграган куй-қўшиқлар, халқ сайли тадбирлари, "Ёр-ёр" ва "Уланлар" айтишуварли, дорбозларнинг чиқишлари иштирокчиларга завқ-шафқ бағишлади.



Даврон АХМД олган суратлар

ДЕПУТАТ СЎРОВИ — ХАЛҚ СЎРОВИ

НА ЖАВОБ БЕРИЛДИ, на муаммо ўрганилди

Депутат — халқнинг ишончли вакили, у одамларнинг ўй-ташвишларини ўз дилидан кечириб яшамоғи, муаммоларини ҳал этишда ташаббускор бўлмоғи даркор. Шундай экан, улар масъулиятни чуқур англаб ишлаши, халқ ишончига муносиб фаолият юритиши талаб этилади.

Аммо...

Депутат-ку масъулиятни ҳис этаётган бўлиши мумкин, аммо баъзи мутасадди ташкилот раҳбарлари-чи? Шу жўнгина саволга жавоб топиш мақсадида халқ депутатлари Бухоро вилояти, шаҳар ва туман Кенгашларида фаолият кўрсатаётган Ўзбекистон "Адолат" СДП депутатлари томонидан тегишли ташкилот ва муассасалар раҳбарларига юборилган депутатлик сўровлари юзасидан берилган жавоблар билан қизиқиб кўрдик.

Бухоро вилоятидаги 54 нафар партия депутати 2019 йил давомида аҳоли муурожаатлари ва аниқланган муаммоларни ўрганиш асосида тегишли ташкилотларга 137 та депутатлик сўрови киритган. Шундан 70 фоизга яқин депутатлик сўрови ихобий ечим топган, бир қатор сўровлар бўйича иш давом этмоқда, баъзи сўровларга берилган жавобларда аниқлик етishмайди, айримлари умуман жавобсиз қолиб кетмоқда. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, бир қатор масъул раҳ-

барлар томонидан сўровга тушунарли ёзма жавоб берилган ҳолда келтириб ўтилган муаммолар ҳам бартараф этилмоқда. Лекин беш бармоқ баробар эмас деганларидек, айрим мансабдор шахслар депутат сўровига эътибор билан ёндашмапти. Мамлакатимиз раҳбари "Депутатга беписандлик — халққа беписандлик" деб таъкидлагани бежиз эмас.

Халқ депутатлари Жондор тумани Кенгаши депутати Қурбон Темиров "Кулиён" МБЙда бўлганида фуқаро Мухтарам Очи-

лова томорқаларни сўғориш учун ариққа сув етарли даражада берилмаётгани ҳақида муурожаат қилган эди. Бу муаммо томорқада ҳосил етиштиришга салбий таъсир қилади. Депутат муурожаат юзасидан жорий йил 1 февралда "Аму Бухоро" ирригация тизимлари ҳавзаси бошқармаси Жондор туман Ирригация бўлимига депутатлик сўрови киритди. Аммо бир ойдан ортиқроқ вақт ўтса-да, ҳамон жавобдан дарак йўқ.

2-БЕТ

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ ДИҚҚАТИГА!

Журналист ёлғон гапирди...(ми?!)

Тан олиб айтиш керак, кейинги икки йилда "Ўзбекистон" телеканалда жонли равишда эфирга бериб келинаётган "Муносабат" кўрсатуви ўз томошабинларини топиб улгурди. Бугун бу кўрсатувини кутиб, унда кўтарилаётган мавзуларга фикр билдираётган юртдошларимиз сони кундан-кунга ошиб бораётгани эътиборга молик. Чунки кўрсатувда бугуннинг энг долзарб ижтимоий-иқтисодий муаммолари очиқ-ошкор айтилади, мутахассис-экспертлар, мамлакатимиз парламенти аъзолари, тегишли ташкилот ва идоралар вакиллари ҳамда оддий халқ вакиллари ўртасида муҳокама қилинади, муаммога ечим изланади. Айнан очкиқлик ва шаффофлик таъминланаётгани боис ҳам кўрсатувнинг рейтингини ошиб бормоқда.

Лекин мақоламиз кўрсатув ва унинг ўзига хос жиҳатлари ҳақида эмас. Аксинча, "Муносабат" кўрсатувининг 2019 йил 13 март куни эфирга узатилган сонидаги кичик бир баҳсли ва зиянатга ойдинлик киритиш мақсадида қорғоз қоралашга жазм этдик. Биз бекорга сўзимизни кўрсатув ўз олдига қўйган мақсад-муддаодан бошламадик. Дарҳақиқат, кўрсатувда бугунги кунимизнинг энг долзарб муаммолари юзасидан баҳс-муноза-рага киришилади. 13 март кунги кўрсатувда ҳам шундай бўлди. Муаммо: Мактаб дарсликларидagi хатолар! Ечим: Қай йўл билан бундай хатоларга барҳам берамиз?

Кўрсатув бошловчиларидан сўнг сўз олган журналист —

яъни камина — мактаб дарсликларида дуч келинаётган хатолар ҳақида гапир туриб, "Адолат" ижтимоий-сиёсий газетасининг 2018 йил 14 декабрь 50-сонида чоп этилган "Тошга ўйилган... хато" мақоласи ҳақида тўхталиб, ундан айрим иқтибослар келтирдим. Келинг, кўрсатувини кўрмаган газетхонларимиз учун айнан ўша мақоладан келтирилган иқтибосни келтириб ўтайлик. "Таълим сифати — партия нигоҳида" лойиҳаси доирасида жамоатчилик назорати тартибида мактаб дарсликларининг сифати, уларда йўл қўйилган хато-камчиликлар ўрганиб чиқилди. Партияимизнинг фан-таълим масалалари бўйича жамоатчилик экспертлар гуруҳи томонидан олиб бо-


рирган ушбу ўрганишлар давомида бугунги кунда ўқувчилар фойдаланаётган мактаб дарсликлари турли хато-камчиликлардан холи эмаслиги аниқланди. Таъкидлаш жоизки, умумтаълим мактаблари учун чоп этилган дарсликлар Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланади ва тавсия этилади... 7-синф дарсликлари: "Ўзбекистон тарихи" китоби (Қайта ишланган 3-



нашр. "Шарқ" НМАК — 2017). Дарсликнинг 94-бетида "Абу Наср Форобий (873-950) Арис сувининг Сиддарёга қуйилишида жойлашган Фороб шахрида туғилган", дейилган. Худди шу дарсликнинг русча нашрида эса "Абу Наср Фараби (1203-1270) родился в городе Фараб", деб ёзилган...

Албатта, мақолада ўқувчиларга мўлжалланган ўнлаб дарсликларда йўл қўйилган қатор хато-камчиликлар ҳақида

Халқ таълими вазирлигининг Ахборот-таълим портали - eduportal.uz
Маълумот олинган вақти 14.03.2019 йил, соат 16:00



сўз боради. Камина кўрсатувда уларнинг бор-йўғи биттаси ҳақида гапирдим-у, дарҳол Халқ таълими вазирлиги вакилининг жавобини олдим. — Йўқ. Амалдаги дарсликда

бундай хатога йўл қўйилмаган. Ишонмасангиз, вазирлигимизнинг порталини (eduportal.uz) ни кўринг...

2-БЕТ

Журналист ёлгон гапирди...(ми?!)

Давоми.
Бошланғич 1-бетда

Тўғриси, тўғридан-тўғри эфирда, сизни миллионлаб телетомошабинлар кузатиб турган бир пайтда бундай кескин жавоб кишини шошириб қўяр экан. Янаям халқона тил билан айтганда, бу жавоб "Хой бола, ёлгон гапирма", дегандай туюлади кишига. Ахир газета учун материалларни тайёрлашда тахририят ижодкорлари меҳнат қилади, ўрганади. Қолаверса, биз юқорида тилга олган мақола **Ўзбекистон "Адолат" СДП** **фан-таълим масалалари бўйича жамоатчилик экспертлар гуруҳи** томонидан тайёрланган. Улар мақолада фойдаланилаётган дарслик китобларни ўрганган. Албатта, биз ҳам инсонимиз, хатолардан холи эмасмиз. Лекин бу ерда гап бир кишининг эмас, бутун бир экспертлар гуруҳининг хатоси ҳақида кетаяпти. Янаям қўзимиз, ўзимиз мактаб дарсликларидан йўл қўйилган хато ҳақида ёза туриб, хатога йўл қўйсак. Буни кечириб бўлмайди.

Бу фикрлар ўша кун, кўрсатув жараёнида хаёлимдан ўтди. 14 март кун тушдан кейин кўрсатувда вазирлик вакили айтган порталга (eduportal.uz) кириб, бир хайратиман икки бўлди. (Агар бирин-

чи саҳифадаги суратларга эътибор берган бўлсангиз, нега хайратга тушганимизнинг боисини англайсиз.) Яна ёлгончи бўлиб қолмаслик учун айнан баҳсга сабаб бўлган 7-синф ўқувчилари учун кўрилган "Ўзбекистон тарихи" китобининг ўша саҳифаларидан нусха кўчирдик... Хар ҳолда "амалдаги"си, яъни тортишувимизга сабаб бўлган китобнинг электрон варианты вазирликнинг порталда бор экан...

Энди бу ўринда изоҳга ҳоҳат бўлмаса керак!

Аммо журналист ёлгон ёки рост гапирганлиги ҳақида хулоса чиқаришни газетхонларимиз ҳукмига ҳавола қилиб қўя қоламиз. Зеро,

"... Таълим сифатига салбий таъсир кўрсатадиган бу каби мисолларни, афсуски, яна давом эттириш мумкин. Мазкур ҳолатлар эса ушбу масалага жиддий ёндашиб, аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишни тақозо қилади. Таҳлил ва хулосалардан келиб чиқиб, юқоридаги каби хато-камчиликларга йўл қўймаслик мақсадида умумтаълим мактаблари учун мўлжалланган барча дарсликларни ҳукумат доирасида экспертизадан ўтказиш тақдирини билдираемиз.

Ёшлиқда ўрганган билим — тошга ўйилган нақш, деб бежиз айтишмайди. Демак, ўқувчилар билим деб ўрганган маълумотлар юқоридаги каби хатолар билан ёшларнинг ёдида муҳрланиб қолади. Чунки хато билимлар бирор фойда келтирмаслиги билан бирга ўқувчига панд бериб қўйиши мумкинлигини ҳам унутмаслигини керак. Токи, нақлдаги "ёшлиқда ўрганган билим" жумласи "ёшлиқда ўрганган хато"га айланиб қолмасин".

энг ҳаққоний баҳони ҳамisha халқ беради.

Тўғриси, вазирлик вакили ноҳақ, биз ҳаққимиз, деб гап талаш-талаш ниятимиз йўқ. Фақат ўша кўрсатувда айтган гапимизни яна бир бор такрорлаймиз. **Аслида ким, қайси соҳада, қайси вазифада хизмат қилишдан катти назар, мақсад-мулоҳазалар бунга ҳам бўлса, миллат юксалиши, мамлакат тараққиёти, юрт ривожини йўлида берилаётган давлатимиз раҳбари ташаббуси билан амалга оширилаётган улкан ислохотларда бир-биримизга елкадош бўлишимиз.**


Сўнгсиз ўрнида яна аввалги мақоламиздан иқтибос келтирамиз.

Ислом ҲАМРОЕВ

НА ЖАВОБ БЕРИЛДИ, на муаммо ўрганилди

Давоми.
Бошланғич 1-бетда

Ваҳоланки, "Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши депутатлари мақоми тўғрисида"ги қонуннинг 8-моддасига мувофиқ ташкилот мутасаддилари ўн кун муддат ичида муаммони ўрганиб, амалга оширилган ишлар юзасидан жавоб беришлари лозим эди.



Яна бир мисол. Халқ депутатлари Шофиркон тумани Кенгаши депутати Хамрогул Ашурова "Темирчи" МФЙ "Шейхлар" қишлоғида бўлганда фуқаро Нозима Рашинова кам таъминланган оила эканини айтиб, янги қурилган иморатга электр токи ўтказишда ёрдам сўраган.


Депутат Х.Ашурова шу масала

бўйича туман электр таъминоти корхонасига 2018 йилнинг 19 декабрда йўллаган депутатлик сўровига корхона мутасаддилари на жавоб беришди, на муурожаатни жойига бориб ўрганишди. Муаммо эса ҳал этилмади.

Халқ депутатлари Когон шаҳар Кенгаши депутати Дилфуза Эргашова жорий йил 14 февраль кунини вилоят "Иссиқлик манбаи" ДУК раҳбарига "Бобур" МФЙда истикомат қилувчи аҳоли муурожаатларини ўрганган ҳолда депутатлик сўрови киритди. Унда "Бобур" МФЙ ҳудудидаги "Коровулборзор" шохқўчаси 13, 14 ва 16-кўп қаватли уйларда яшовчи фуқаролар мазкур уйлар ёнидан ўтувчи шаҳар иссиқлик манбаига қарашли қувур ёрилгани боис сув беҳуда оқиб увол бўлаётгани, ён-атрофга ҳам зарар келтираётгани билан бирга хонадонларни иситиш учун зарур бўлган иссиқ сув манзилларга етарли миқдорда берилмаётгани қайд этилган. Мазкур депутатлик сўровига ҳам ҳануз қонунда белгиланган тартибда жавоб берилмади.

Бундай олиб қараганда, қувурнинг ёрилгани ҳақида хабар берилишининг ўзиёқ масъул ташкилот учун манфаатли эмасми? Аҳолидан миннатдор бўлган ҳолда ёрилган кувурни тез фурсатда таъмирлаш, олтиндан қиммат бўлган неъматини фойдали мақсадда йўналтириш корхона учун ҳам, одамлар учун ҳам ҳаётий зарурат

саналмайди? Увол бўлаётган сув иморатларга эиен етказиши мумкин. Бунинг устига исроф бўлган



сув ҳақини ким тўлайди, кимдан ундирилади, деган савол ҳам туғилади. Бу ҳол ноқонуний қарздорлик ҳолатлари пайдо бўлишига олиб келмайди, деб ишонса бўладими?

Депутатлик сўровига шахсий жавобгарлик билан ёндашув ана шу каби саволлар юзга келишига барҳам берган бўлармиди?

Жойларда қонунларга амал қилинса, мансабдор шахслар ўз вазифасига масъулият билан ёндашса, шубҳасиз, бир муаммо яна бошқа муаммони етаклаб келишидан олдин ҳал этилади. Бунга мутасаддилар нима дейди? Сиз-чи, азиз газетхон?

Моҳигул АБДУЛЛАЕВА,
Бухоро вилоят кенгаши
матбуот котиби

ҚУЛАЙ, ШИНАМ ВА ХАВФСИЗ АВТОБУСЛАР

Хитой Халқ Республикасининг "Zhengzhou Yutong Bus Co. Ltd." компанияси билан 2018 йилда имзоланган шартномага кўра, 168 та кўп ўриндикли замонавий автобус сотиб олиш бўйича келишувга эришилган. Улардан 100 таси юртимизга олиб келинди. Қолган 68 таси ҳам тез орада келтирилади.

Бугунга қадар кўшни Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон Республикалари ва Россия Федерацияси шаҳарларида жами 17 та йўналишда мунтазам автобус қатновлари йўлга қўйилган. Энди нафақат пойтахт Тошкент, балки мамлакатимизнинг бошқа шаҳар ва туманлари марказларидан ҳам йўлга қўйилаётгани аҳолига қулайлик яратди.

Ушбу автобусларда ҳайдовчи ва йўловчилар учун барча қулайлик яратилган. Кондиционер, салондаги иқлим назорати, актив ва пассив хавфсизлик тизимлари шулар жумласидан. Автобус 51 нафар йўловчини ўз

бағрига сиғдира олади. Ўриндиклар юмшоқ бўлиб, хар бир йўловчига максимал даражада қулайлик яратилган. Агар зарурат бўлса, ўриндикларни олд ва орқа томонга силжитиш ҳамда ён томонга ҳам созилаш мумкин. "Uzautotrans Service" махсус компанияси ҳайдовчиларининг таъкидлашча, автобусларда GPS қурилмалари ўрнатилган бўлиб, транспортлар корхонанинг марказий диспетчер хизмати назоратида бўлади.

— Автобуста ички ва ташқи томонни суратга олувчи 5 та видеокамера ўрнатилган. Хар бир йўловчи ўриндикги устида ҳаво дефлектори ва индивидуал ёритиш лампалари мавжуд. Шунингдек, йўловчиларнинг кўл юзларни жойлаштириш учун салоннинг юқори қисмида махсус жойлар ажратилган. Узоқ сафар давомида йўловчиларнинг эрижмаслигини таъминлаш мақсадида автобус саломи юқори классдаги медиатизим ва иккита монитор билан жиҳозланган.

Отажон АМИРИДИНОВ, талаба

Юксак эътибор ва ишонч

Аёлни эъзозлаш, унга эҳтиром кўрсатиш Ўзбек халқига хос олижаноб хусусиятлардан биридир. Шу маънода Ўзбекистонда хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини мустаҳкамлаш борасида давлат аҳамиятига молик тарихий ишлар амалга оширилмоқда. Чунки, жамиятда сиёсий, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлиги ва тараққиёти аёлларга, ёшларга, оилага бўлган муносабат ва эътибор билан боғлиқ.

Мамлакатимиз Президентини аёлларнинг жамиятдаги ўрни ва ролига юқори баҳо бериб, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиши, хотин-қизларимизнинг билимдон, замонавий мутахассис, малакали касб эгалари бўлишлари ҳамда соғлом ва мустаҳкам оила қуришлари учун зарур шароитлар яратиши, биринчи навбатда, соғлом бола туғилиши ва уни тарбиялаш, оналар ва болалар соғлигини муҳофаза қилиш давлатимиз ва жамиятимизнинг доимий эътиборидаги энг устувор вазифа эканлигига алоҳида эътибор қаратмоқда.

Мазлумки, миллатнинг ўзига хос маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда, шубҳасиз, оиланинг, оилада эса аёлнинг ўрни ва таъсири беқиёсдир. Чунки инсоннинг энг соф ва покиза туйғулари, илк ҳаётий тушуна ва тасаввурлари биринчи галда оила бағрида, она тарбияси билан шаклланади. Юртимизда хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни, уларнинг оилага бўлган муносабати, ижтимоий ҳаётдаги роли фоят муҳим аҳамиятга эгаллиги боис уларнинг мавқеи хар жиҳатдан юқори баҳоламоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш кераки, хотин-қизларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга

қаратилган барча қонун ҳужжатлари халқро ҳуқуқий меъёрларга асосланади. Ўзбекистон Республикаси Марказий Осиёда биринчилардан бўлиб аёллар ҳуқуқини халқро меъёр ва ҳуқуқий стандартларга мувофиқлигини таъминлаш мақсадида Аёллар ҳуқуқлари шакллантиришнинг барча шакллари барҳам бериш тўғрисидаги (CEDAW), аёлларнинг сиёсий ҳуқуқлари ҳақидаги, оналикни муҳофаза қилиш ҳақидаги халқро конвенцияларга қўшилди.

Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 мартдаги "Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори хотин-қизларимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида янги бир давр, янги бир босқични бошлаб беради, хотин-қизлар фаолиятини янада ривожлантириш учун янги имкониятлар яратди ва аёллар салоҳиятини намоён этиш йўллари белгилаб беради.

Бу каби норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда асосий мақсад юртимиз аёлларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга, опа-сингилларимизнинг фаоллигини оширишга,



Дилбар АРТИКБАЕВА,
халқ депутатлари
Жиззах шаҳар
Кенгаши депутати

уларга маънавий-руҳий мадд беришга, қолаверса, уларни турли таҳдид ва қотиб қолган эскича қарашлардан ҳимоя қилишга қаратилди.

Аёллар саломатлиги ва аёл бахтининг тўқислиги, аввало оила мустаҳкамлигини, оила мустаҳкамлиги эса жамият тараққиётининг асосий омилдир. Шу боис она ва бола саломатлигини таъминлаш, оилада соғлом муҳитни яратиш давлат сиёсатининг энг устувор йўналиши даражасига кўтарилди. Умуман, ҳеч бир давлатда оила тақдир, хотин-қизлар келажаги ҳамда уларнинг жисмоний ва маънавий жиҳатдан баркамоллигини таъминлаш масаласига Ўзбекистондагидек эътибор қаратилмаган, десам муболага бўлмайди.

Ҳақиқатдан бирор давлатда бизнинг юртимизда бўлгани сингари хотин-қизларга эътибор кўрсатилмаган, эъзозланмаган, мамлакат таянчи сифатида эътибор этилмаган. Маъна шу кўрсатилган эътибор тўғрисида аёлларимизнинг ўртача умр кўриш ёши 67 дан 73 ёшга қадар узайган-

лигини алоҳида қайд этиш лозим.

Халқро хотин-қизлар байрами муносабати билан Президентимизнинг байрам табригида юртимизда 3 мингга яқин етакчи хотин-қизлардан иборат кадрлар захираси шакллантирилгани, айна вақтда ижтимоий фаол аёлларни раҳбарлик лавозимларига тайёрлаб бориш, уларни ўқитиш, малакасини ошириш тизими яратилаётгани ҳақида алоҳида сўз юритилди. Юртимиз таъкидлаганидек, буларнинг барчаси мамлакатимизда хотин-қизлар ҳаракати катта салоҳият ва истиқболга эга эканини кўрсатади.

Шуни қайд этиш жоизки, бу йил миллий парламентимиз ва маҳаллий Кенгашларга ўтказилади-кан сайловларга Ўзбекистон "Адолат" СДП сафидаги хотин-қизлар ҳам астойдил тайёргарлик кўрмоқда.

Юртимизда оилани мустаҳкамлаш, ёш оилалар ҳақида гамхўрликни кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, соғлом ва мустаҳкам оила барпо этиш, хотин-қизларнинг давлат ва жамиятни бошқаришда фаол иштироки учун кенг имкониятлар яратилган бўлиб, биз хотин-қизлар берилган ана шундай шарт-шароитлардан унумли фойдаланишимиз, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохот ва янгиланишлар жараёнини фаол иштирокчисига айланишимиз, бизга билдирилаётган ишонччи оқлашимиз, ўз меҳр ва садоқатимизни оила, жамият, Ватан равнақи ва барқарорлиги, тинчлиги ва оқошталлиги йўлида намоён этишимиз лозим.

Янги марказлар

аёлларни ташаббускорликка ундайди

Аҳоли, айниқса, аёллар билан суҳбатлашганимизда улар иш билан боғлиқ масалаларни ўртага ташлаб, биздан жуъли бир гап эшитишни, аниқ жавоб айтишимизни кутади. Ростини гап, баъзан муаммога ечим топиш қийин кечади. Президентимизнинг "Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида"ги қароридан белгиланган вазифалар аҳолидан тушаётган кўплаб саволларга ечим топишда муҳим асос саналади. Масалан, бола парвариши билан узоқ вақт банд бўлган аёл маълум маънода меҳнат малакасини йўқотади. Уни қайта тайёрлашга, иш таърибасини мустаҳкамлашга эҳтиёж пайдо бўлади. Қарорга мувофиқ, шу йилнинг 1 май кунидан бошлаб аёллар меҳнатини муайян соҳа ёки касбларда қўллаш бўйича тақриқларнинг бекор қилиниши, тавсиявий характердаги аёллар рўйхати тасдиқланди. Яна бир эътиборли жиҳати, эндиликда ҳудудларда нодавлат нотижорат ташкилот мақомига эга бўлган хотин-қизлар тадбиркорлик марказлари ташкил қилинади.



Дилором МУҲМОНОВА,
халқ депутатлари Қувасой шаҳар
Кенгаши депутати, "Тадбиркор аёл" Ўзбекистон ишбилармон аёллар ассоциацияси Фарғона вилоят бўлими раҳбари

Авалло, "Тадбиркор аёл" Ўзбекистон ишбилармон аёллар ассоциацияси Фарғона вилоят бўлими бундай марказнинг вилоятимизда ташкил этилишида яқиндан ёрдам беришни мақсад қилган. Ҳудудларда бу марказлар тадбиркорлик билан шуғулланиш истагини билдирган аёлларга кўмаклашди, хотин-қизларнинг ўз бизнесини ташкил этиш ва юритиш қўникмаларини шакллантириш, бизнес соғаларини тайёрлашда консултив ёрдам бериш, шу жумладан, бизнес-режа лойиҳасини тайёрлаш, солиққа тортишнинг турли режимларини танлаш, қўллаш ва бошқа йўналишлар бўйича ўқитишни ташкил этади. Бир сўз билан айтганда, янги марказлар аёлларни ташаббускорликка ундаб, уларда ўз кучи, қобилиятига ишонч уйғотади. Улар учун яратилган имкониятлар аёлларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга ҳамда хар томонлама кўмаклашга қаратилган. Давлатимиз раҳбарининг ушбу қарори юртимиз аёлларига кўрсатилаётган гамхўрликнинг ёрқин намунасидир. Аёлга эътибор, онага эътибор, келажакка эътибордир.



Сафдошимиз — "Мўътабар аёл" нишонини соҳиби

Президентимизнинг 2018 йил 2 февралдаги "Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонига мувофиқ жамият ва давлат ҳаётида фаоллик кўрсатган, ўзининг самарали меҳнати билан оиланинг шаклланишига ва фаровонлиги мустаҳкамлишига, оналик ва болалик муҳофазасига муносиб хисса қўшган ва ибратли фаолият олиб бораётган хотин-қизларга бериладиган "Мўътабар аёл" кўкрак нишонини таъсис этилган эди.

Жорий йил Халқро хотин-қизлар кунини байрами арафасида бир гуруҳ опа-сингилларимиз "Мўътабар аёл" кўкрак нишонига сазовор бўлишди. Яна бир эътиборли халқ депутатлари Нукус шаҳар Кенгашидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП депутатлик гуруҳи раҳбари, Қорақалпоғистон Республикаси партия кенгашининг "Аёллар қаноти" етакчиси Улбосин Сейтжанова ҳам бор.

35 йиллик илмий-педагогик тажрибага эга устоз У.Сейтжанова бугунги кунда Нукус давлат педагогика институтини мактабгача ва бошланғич таълим факультети декани вазифасида ишлаб, соҳадаги ислохотларни таълим даргоҳи фаолиятига татбиқ этишда фидойилик кўрсатиб келмоқда.

Биз педагогика фанлари номзоди, партия-миз фаоли Улбосин Сейтжановани ушбу юксак нишон билан қўтлаб, келгуси фаолиятида катта утуқлар тилаб қоламиз.

Ривож ОТАРБАЕВА,
Ўзбекистон "Адолат" СДП
Қорақалпоғистон Республикаси
кенгаши раиси ўринбосари

Репродуктив саломатликни сақлаш мақсадида муҳим янгиликлар жорий этилади

СУХБАТ

Мамлакатимиз Президентини томонидан жорий йилнинг 7 март куни имзоланган “Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш тўғрисида”ги қонуни шу кунларда кенг жамоатчиликнинг диққат марказида бўлиб турибди.

Хўш, янги қонуннинг афзаллиги нимада, ушбу ҳужжат фуқароларнинг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилишда нечоғлик аҳамиятга эга, ундан қўзланган мақсад ва қутилаётган натижалар қандай? Ушбу саволлар билан мазкур қонун ижодкорларидан бири, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясининг фракцияси аъзоси Мухаррам ДАДАХОДЖАЕВАга мурожаат қилдик.

— Аввало, қонуннинг номидан келиб чиқиб, репродуктив саломатлик ҳақида тушунча бериб ўтсангиз.

— Репродуктив саломатлик — бу инсон ҳаётининг барча босқичларида репродуктив тизимга тааллуқли бўлган жисмоний, ақлий ва ижтимоий жиҳатдан осойишталик ҳолатидир. Репродуктив саломатлик умумий соғлиқнинг муҳим қисми бўлиб, ҳаётнинг шахсий жиҳатларига тегишли масала ҳисобланади. Репродуктив саломатлик инсоннинг қонқарли ва хавфсиз жинсий ҳаёт олиб бориши мумкинлиги, фарзандларни дунёга келтириш билан боғлиқ ҳолатларда ва неча фарзанд кўриш босқичидаги эркин танловини амалга ошириш билан боғлиқ ҳолатларда репродуктив тизимга тааллуқли бўлган жисмоний, ақлий ва ижтимоий жиҳатдан осойишталик ҳолатидир. Репродуктив саломатлик умумий соғлиқнинг муҳим қисми бўлиб, ҳаётнинг шахсий жиҳатларига тегишли масала ҳисобланади. Репродуктив саломатлик инсоннинг қонқарли ва хавфсиз жинсий ҳаёт олиб бориши мумкинлиги, фарзандларни дунёга келтириш билан боғлиқ ҳолатларда ва неча фарзанд кўриш босқичидаги эркин танловини амалга ошириш билан боғлиқ ҳолатларда репродуктив тизимга тааллуқли бўлган жисмоний, ақлий ва ижтимоий жиҳатдан осойишталик ҳолатидир.

Айни ушбу тушунчага юқорида зикр этилган қонунда ҳам таъриф берилган.

Репродуктив саломатлик ҳақида қайғуриш мазкур соҳадаги муаммоларни бартараф қилиш йўли билан репродуктив саломатликка ва осойишталикка эришишда ёрдам берувчи усуллар, восита, технология ва хизматлар йиғиндисини сифатида тавсифланади.

Мазкур йўналиш билан комплекс равишда фуқароларнинг соғлигини, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ҳар томонлама баркамол ёш авлодни шакллантириш учун барча зарур шароитларни таъминлашга давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида эътибор қаратиб келинаётгани ҳам бежиз эмас. Мамлакатимизда халқро ҳамжамият томонидан эътироф этилган репродуктив саломатлик, оналар ва болалар саломатлиги миллий модели амалиётга фаол татбиқ қилинганлиги эътиборга моликдир.

— Айтинг-чи, янги қонунни қабул қилиш зарурати ва долзарблиги нималарда намойён бўлди?

— Халқро экспертларнинг маълумотларига кўра, дунёда репродуктив ёшдаги жуфтликлар орасида бепуштлиқнинг тарқалиши ўртача 13-15 фоизни ташкил этади. Бепуштлиқ эрхотинларнинг ижтимоий-руҳий жиҳатдан безовталигига, оиладаги зиддиятчи ҳолатларга, ажримлар сонининг ўсишига олиб келади. Бепуштлиқдан азият чекаётган шахслар руҳий кечинмаларга берилувчан бўлиб, уларнинг умумий фаоллиги ва меҳнат лаёқати сустлашади.

Мамлакатимизда ўтказилган таҳлиллар шуни кўрсатадики, охириги йилларда ажралишларнинг 4,7 фоизи жуфтликлар бепуштлигига тўғри келмоқда. Ўтказилган тадқиқотлар натижаларига кўра, бирламчи бепуштликка чалинган аёллар барча турмуш қурганларнинг умумий сонига нисбатан 4,9 фоиздан 5,3 фоизгачани ташкил этади. Бу рақамлар Ўзбекистонда оилаларни сақлаш мақсадида ёрдамчи репродуктив технологияларни жорий этишнинг муҳимлиги ва зарурлигини аққол кўрсатмоқда.

Кейинги йилларда олиб борилган репродуктив саломатликни муҳофаза қилиш ва бепуштлиқни даволаш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг миллий базаси таҳлили уларда аҳоли репродуктив саломатлигини самарали муҳофаза қилиш ва бепуштлиқни сифатли даволашга тўққинлик қиладиган тизимли камчилик ва нуқсонлар сақланиб қолаётганини кўрсатади.

Масалан, қонун ҳужжатларида ёрдамчи репродуктив технологияларни татбиқ этишнинг ҳуқуқий асоси ва механизми мустаҳкамланмаган. Технологиялардан фойдаланишга руҳсат берилмаганлиги тиббиёт муассасалари ва тиббиёт ходимларини аккредитация қилиш тизими мавжуд эмас. Репродуктив саломатликни муҳофаза қилиш ва бепуштлиқни даволашга тегишли малакали мутахассислар ҳамда ўрта тиббиёт ходимларини ўқитиш ва тайёр-



лаш учун ҳуқуқий асослар талаб этилади. Ушбу соҳада мамлакатимиз амалиётига замонавий тиббий технологияларни жорий этиш мақсадида тиббиёт муассасаларида моддий-техника базасини шакллантириш, бир томондан, бўлғуси шифокорлар ва мутахассислар билан амалиётга йўналтирилган ўқишни, бошқа томондан, репродуктив саломатлик ва бепуштлиқни даволашга муҳтож бўлган фуқароларни сифатли даволашга имкон берадиган ўқув муассасалари ва клиникаларни замонавий юқори технология логик усуллар билан жиҳозлаш масалаларини қонунчилик йўли билан тартибга солишга эҳтиёж орди.

Ушбу ҳолатларнинг барчаси репродуктив тусдаги муаммоларни бартараф этиш ва оилаларни мустаҳкамлаш қаратилган, шунингдек, даволашнинг замонавий юқори технологияли усулларини жорий этиш учун ҳуқуқий асос яратадиган махсус қонунни ишлаб чиқиш зарурлигини кўрсатади.

— Шу ўринда “Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш тўғрисида”ги қонун лойиҳасининг муҳокамаси ва қабул қилиниши жараёнлари хусусида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Юқорида таъкидлаганимиздек, бугунги кунда дунё миқёсидаги муаммага айлиниб улгурган репродуктив саломатликни сақлаш, бепуштлиқ масалаларини бартараф қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Шу муносабат билан ўтган икки йил мобайнида Ўзбекистонда халқро ҳамжамият томонидан тан олинган репродуктив саломатлик ҳамда оналар ва болалар саломатлиги миллий модели шакллантирилиб, амалга оширилди.

Жумладан, Президентимизнинг 2018 йил 7 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони билан 2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш Концепциясини амалга ошириш

бўйича чора-тадбирлар Дастури тасдиқланиб, унга асосан “Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритиш назарда тутилган эди.

Ушбу дастур ижроси доирасида Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг бир гуруҳ депутатлари томонидан “Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилди. Эътиборлиси, ушбу қонун лойиҳаси ижодкорларининг барчаси аёл депутатларимиздир.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш ва зирлиги ҳамда Ўзбекистон “Адолат” СДП ўртасида ҳамкорлик Меморандуми доирасида ҳозирги замон талаблари ҳамда аҳолининг эҳтиёжларидан келиб чиқиб, “Одам аъзолари ва туқималарини трансплантация қилиш тўғрисида”ги, “Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонунлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва аҳоли орасида муҳокама қилиш ҳамда қабул қилинишига эришиш белгиланган эди.

Шу босим ўтган давр мобайнида “Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланган 40 дан ортқ учрашувлар ва давра суҳбатлари ўтказилди. Ушбу тадбирларда мазкур қонуннинг бугунги кунда жуда зарурлиги қайд этилган 100 дан ортқ тақлиф-тавсиялар билдирилди ва қонун лойиҳаси тақомилга етказилди.

Шу билан бирга, қўйи палата томонидан қонун лойиҳасини қабул қилишда норма ижодкорлиги талабларидан келиб чиқиб, уни тўғридан-тўғри ишлайдиган қонунга айлантиришга алоҳида аҳамият берилди.

— Янги қонуннинг асосий мақсади ва афзаллиги нимада?

— Аввало шуни айтиш керакки, аҳоли репродуктив саломатлигини яхшилашнинг асосий гоёси эркак ва аёллар бепуштлигининг олдини олиш ва даволаш тизимини қонунчилик даражада мустаҳкамлашдан иборат бўлиб, бу ушбу муаммоларни ҳал этишга нафақат давлат органлари, балки фуқаролик жамияти институтлари, мамлакатимиз аҳолисини ҳам жалб қилиш имконини беради. Янги қонуннинг мақсади ҳам аҳолининг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш, бепуштлиқнинг олдини олиш ва даволаш соҳасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилган.

Қонунда соҳага оид асосий тушунча ва принциплар, фуқароларнинг репродуктив сало-

матлигини муҳофаза қилиш соҳасида давлат қафолатлари, ушбу соҳада тиббиёт ташкилотлари ва мутахассисларнинг фаолияти, фуқароларнинг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича профилактика чора-тадбирлари ва ёрдамчи репродуктив технологияларни қўллаш тартиби белгиланган.

Мазкур ҳуқуқий ҳужжатнинг асосий янгилиги шундаки, унда парламент аъзолари томонидан жамоатчилик фикри ҳамда ўз сайловчилари сўровларини ўрганган ҳолда, миллий тажрибада биринчи мартаба соғлиқни сақлаш тизимига замонавий ёрдамчи репродуктив технологияларни босқичма-босқич жорий қилиш механизми белгиланган. Бошқача айтганда, қонунда биринчи навбатда, бугунги куннинг энг долзарб муаммоларидан бири бўлган аёллар ва эркаклар бепуштлигига барҳам бериш кўзда тутилган.

Қонунда тиббий хизматлар ҳаммабוליғи ва сифати, шахсий ҳаётга аралашувлардан ҳимоя ва оилавий сирларни сақлаш, инсонпарварлик ва инсонга ҳурмат билан муносабатда бўлиш, шунингдек, эркаклар ва аёллар тенглиги репродуктив саломатлик ва оилани режалаштиришни муҳофаза қилишнинг асосий тамойиллари этиб белгиланди.

— Қонунда назарда тутилган асосий норма ва механизмлар нималардан иборат?

— Биринчидан, қонунда унинг мақсади ва асосий принциплари, фуқароларнинг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари аниқ белгиланган;

Иккинчидан, “Фуқароларнинг репродуктив саломатлиги”, “Фуқароларнинг репродуктив ҳуқуқлари”, “ёрдамчи репродуктив технологиялар” каби асосий тушунчалар очиб берилган;

Учинчидан, фуқароларнинг репродуктив танлов эркинлигига доир ҳуқуқи, шунингдек, фуқароларнинг репродуктив ҳуқуқларини рўёбга чиқарувчи ташкилотлар ва юридик шахсларнинг фаолиятини амалга оширишга доир ҳуқуқлари мустаҳкамланган;

Тўртинчидан, аҳолининг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш, бепуштлиқни даволаш, унинг профилактикаси ва эрта олдини олиш бўйича тиббий хизмат кўрсатаётган давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари тизими мустаҳкамланган бўлиб, уларнинг ваколатлари, мажбуриятлари ва фаолият кўрсатиш шарт-шароитлари белгиланган, шунингдек, мазкур органлар ва ташкилотлар томонидан кўрсатиладиган хизматлар сифатига қўйиладиган талаблар санаб ўтилган.

Бешинчидан, фуқароларнинг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш, бепуштлиқнинг олдини олиш ва профилактика қилишга доир ишлар устидан давлат ва жамоатчилик назорати механизми белгиланган.

— Мазкур ҳужжатда назарда тутилган технологияларнинг аксарияти биз учун мутлоқ янги эканлигидан келиб чиқадиган бўлса, бу борада ривожланган давлатларнинг тажрибаларини инобатга олиш муҳим омил саналади. Шу маънода, қонунда хорижий тажрибанинг қайси олинган жиҳатлари инобатга олинган?

— Ҳақиқатдан ҳам ривожланган мамлакатлар тажрибасининг таҳлили шуни кўрсатадики, хорижий мамлакатларда репродуктив саломатлик ва бепуштлиқ масалалари қонунчилик даражасида махсус қонун қабул қилиш йўли билан (масалан, Арманистонда, Молдовада) ҳамда қонунларга айрим нормалар ва қоидаларни киритиш орқали тартибга солинади. Хусусан, Арманистонда “Репродуктив саломатлик ва инсоннинг репродуктив ҳуқуқлари тўғрисида”ги қонун, Молдова Республикасида “Репродуктив саломатлик тўғрисида”ги қонун амалда.

Қонунни ишлаб чиқишда хорижий тажрибанинг юқорида санаб ўтилган энг муҳим жиҳатлари халқимизнинг миллий менталитети ва диний эътиқодини инобатга олган ҳолда татбиқ этилди.

— Ушбу қонундан қутилаётган натижалар ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Дарҳақиқат, “Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш тўғрисида”ги қонун, энг аввало, фуқароларнинг репродуктив ҳуқуқларини таъминлашга, бепуштлиқни даволашда уларнинг имкониятларини кучайтиришга, ота-она бўлишига, оилада бахт ва фаровонликка эришишига хизмат қилади. Бу орқали мамлакатимизнинг барқарор ривожланишида муҳим ижтимоий аҳамиятга эга бўлган оила мустаҳкамлиги таъминланади.

Шу билан бирга, фуқароларга юқори технологияларга асосланган сифатли ва юқори малакали тиббий хизмат олиш имкониятини беради.

Янги қонуннинг яна бир муҳим жиҳати, тиббиёт муассасаларининг рақобатбардошлигини оширилишини таъминлайди ва бу, ўз навбатида, бир томондан, фуқароларга энг янги технологиялар асосида юқори малакали тиббий ёрдам олиш учун шароитлар яратишга йўл очади, бошқа томондан, Ўзбекистонда тиббий туризмни ривожлантиришга хизмат қилади.

жаларининг қулайлиги кўп ҳолларда нафақат уларнинг қонунчилиги, балки даволаниш учун тўлаш зарур бўлган пул миқдори ва туғиш ёшидаги ўртача жуфтликларнинг тўлов қобилияти билан белгиланади. Репродуктив қонунчилиги ривожланган кўпгина давлатлар ЭКО, яъни сунъий экстракорпорал уруғлантириш билан боғлиқ барча харажатларнинг 30-50 фоизини қоплайдиган махсус давлат дастурларини тақлиф этади. Бельгия, Греция, Исроил, Словения, Франция ва Швецияда эса бу харажатлар тўлалигича давлат томонидан қопланади. Қонун тарихида харажатларнинг тўлалигича қоплалиши муайян мезонларга таянган ҳолда амалга оширилади.

Исроил давлати томонидан бундай технологиялардан фойдаланишни молиявий жиҳатдан қоплаш бўйича ўзига хос ёндашув тақлиф қилинган. Бунда жуфтликларда икки фарзанд бўлганига қадар бир қанча муолажалар бепул ўтказилиши белгиланган. Россия, Қозғистон, Беларусь ва шунингдек, МДҲга аъзо бошқа давлатларда меъёрий ҳужжатлар асосида тартибга солинадиган ёрдамчи репродуктив технологиялар муолажаларини ўтказиш квоталари мавжуд. ЭКО муолажаларининг нархи турли мамлакатларда — ташхис, протокол муддатининг давомийлиги ва қўшимча манипуляцияларга бўлган ҳолда 1500 евродан 2500 еврогача миқдорда белгиланган. Муолажаларнинг самардорлиги турли мамлакатларда 28 фоиздан 50 фоизгачани ташкил этади.

Қонунни ишлаб чиқишда хорижий тажрибанинг юқорида санаб ўтилган энг муҳим жиҳатлари халқимизнинг миллий менталитети ва диний эътиқодини инобатга олган ҳолда татбиқ этилди.

— Ушбу қонундан қутилаётган натижалар ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Дарҳақиқат, “Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш тўғрисида”ги қонун, энг аввало, фуқароларнинг репродуктив ҳуқуқларини таъминлашга, бепуштлиқни даволашда уларнинг имкониятларини кучайтиришга, ота-она бўлишига, оилада бахт ва фаровонликка эришишига хизмат қилади. Бу орқали мамлакатимизнинг барқарор ривожланишида муҳим ижтимоий аҳамиятга эга бўлган оила мустаҳкамлиги таъминланади.

Шу билан бирга, фуқароларга юқори технологияларга асосланган сифатли ва юқори малакали тиббий хизмат олиш имкониятини беради.

Янги қонуннинг яна бир муҳим жиҳати, тиббиёт муассасаларининг рақобатбардошлигини оширилишини таъминлайди ва бу, ўз навбатида, бир томондан, фуқароларга энг янги технологиялар асосида юқори малакали тиббий ёрдам олиш учун шароитлар яратишга йўл очади, бошқа томондан, Ўзбекистонда тиббий туризмни ривожлантиришга хизмат қилади.

Бахторминов БУРХАНДИЖОН
суҳбатлашди.

Янги қўмитага партия фракцияси аъзоси раис этиб сайланди

Мамлакатимизда “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонунда белгиланган қоидаларнинг ижросини таъминлаш, жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш мақсадида ўтган йилларда Президентимиз ташаббуси билан бир қатор қарорлар ва давлат дастурлари қабул қилинди.



Шу каби ишларни сифат жиҳатдан янада яхшилаш, шунингдек, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харажатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили” да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 4-банди ижросини таъминлаш ҳамда коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги назорат-таҳлил фаолиятини янада кучайтириш, ушбу йўналишда қонун ижодкорлигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси тuzилди.

Давлат органлари ва муассасаларида коррупцияга қарши курашиш бўйича ички дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёни устидан парламент назоратини амалга ошириш, коррупцияга қарши курашиш

бўйича қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан тақлифлар тайёрлаш ҳамда амалдаги қонун ҳужжатларини уларда коррупцияга олиб келувчи нормаларнинг мавжудлигини аниқлаш бўйича таҳлиллар ўтказиш янги қўмитанинг асосий вазифалари сифатида белгиланди.

Шунингдек, давлат органлари ва ташкилотларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ҳуқуқни қўллаш фаолиятини тизимли равишда ўрганиб бориш, айниқса, қўмита йиғилишларида мансабдор шахсларнинг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги фаолияти юзасидан эшитишлар ўтказиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари, коррупция ҳақидаги бошқа маълумотларни кўриб чиқиш, амалга оширилган ишлар юзасидан тизимли равишда Қонунчилик палатасини хабардор қилиб бориш ҳам янги қўмитанинг устувор вазифаларидан эканлиги қайд этилди.

Таъкидлаш жоизки, “Адолат” СДПнинг ўз Сайловди дастурида белгиланган ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш, қонун устуворлигини таъминлаш каби вазифаларни бажаришда коррупциянинг олдини олишга алоҳида эътибор қаратишга доир гоёларни ушбу қўмита мақсад ва вазифаларига муштаракдир.

Қуни кеча партияимиз фракцияси аъзоси Тўлқин Абдусатторов парламент қўйи палатасининг йиғилишида Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг раиси этиб сайланди.

Фракцияимиз аъзосининг янги, масъулиятли лавозимдаги фаолиятида муваффақиятлар тайлаимиз.

Анвар ЭГАМҚУЛОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон “Адолат” СДП фракцияси ижроси котиби

Талаб ва таклиф мутаносибми?

НОГИРОН ХАРИДОРЛАРНИ ҲАМ УНУТМАНГ

Партиянинг сиёсий майдонда муносиб ўрин эгаллашида ва кенг омма ўртасида нуфузининг кўтарилишида ушбу партиядан сайланган депутатларнинг фаоллиги, профессионал маҳорат билан ишлаши муҳим ўрин тутди. Албатта, бу жараёнда халқнинг ишончли вакиллари жойлардаги БПТлар, партия фаоллари билан ҳамжиҳатликда ўрганишлар олиб бориши, шу орқали ҳар бир ҳудуддаги ҳақиқий аҳволдан, муаммолардан хабардор бўлиши амалий аҳамиятга эга саналади. Фаолият таҳлил этилганда эришилган натижалар, йўл қўйилган камчиликлар аниқ хулосалар чиқаришга ундайди.



Халқ депутатлари Нукус шаҳар Кенгашидаги Ўзбекистон «Адолат» СДП депутатлик гуруҳи аъзолари, жумладан, 2018 йилда партиямизнинг «Адолат — қронун устуворлигида» лойиҳаси доирасида 60 га яқин маҳалла, 840 дан зиёд хонадонларда бўлиши, аҳоли билан мулоқотлар давомида уларнинг мингтадан ортиқ муурожаатлари қайд этилди.

Партия депутатлари мазкур муурожаатларда кўтарилган масалаларни депутатлик сўровлари орқали хал этишга ҳаракат қилишди. Шу мақсадда ҳисобот даврида депутатлик гуруҳи аъзолари томонидан мутасадди ташкилотлар раҳбарларига 31 та депутатлик сўровлари чиқарилиди ва уларнинг аксарияти ўз ечимини топди.

Депутатлик гуруҳи аъзоси А.Аюпова Нукус шаҳри, 22-мавзуда истиқомат қилувчи А.Хожанова 2007 йилда туғилган қизи Азиза Салиева болаликдан ногиронлиги ва ногиронлар аравачасига муҳтожлиги ҳақида муурожаат қилди. Шаҳар тиббиёт бирлашмаси раҳбарига депутатлик сўрови киритилиши натижасида А.Салиева ногиронлик аравачаси билан таъминланди. Кези келганда шуни айтиш жоизки, ногиронлик аравачасига эҳтиёжманд фуқароларнинг муурожаатлари ногиронлик аравачасини ишлаб чиқариш ва хориждан импорт қилиш масаласини жиддий ўйлаб кўришга ундамоқда. Матбуот нашрларида мавзуга доир чиқишлардан ҳам аёни, ногиронлик аравачалари сонини кўпайтириш зарурати ортмоқда. Ногиронлиги бўлган фуқаро бир неча йиллаб аравача учун навбат кутиши, шу йиллар давомида унинг изтироб чекишига сабаб бўлади, албатта. Бундан кўз юмиб бўлмайди. Ушбу ўта зарур вазиятга талаб ва таклиф мутаносибми, бу икки тушунча бир-бирдан талабгорлар йиллаб кутиши даражасида фарқ қилмаслиги лозим.

Шунингдек, ҳисобот даврида депутатлик гуруҳи ташаббуси билан халқ депутатлари шаҳар Кенгаши сессиясида 2 та, тегишли доимий комиссиялар йиғилишларида 3 та масала кўриб чиқишига эришилди.

Жумладан, шаҳардаги мактабга таълим муассасаларидаги шарт-шароитлар ўрганилиб, аниқланган камчилик ва муаммоларни бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон «Адолат» СДП томонидан ишлаб чиқилган «Мактабга таълим — кадрлар тайёрлашнинг бирлашми бўғини» лойиҳаси доирасида депутатлик гуруҳи аъзолари ҳудудда ўрганишлар олиб боришди.

Дейлик, ўрганишларда шаҳарда 3-7 ёшга бўлган бола-

ятини яхшилаш бўйича амалга оширилган ишлар юзасидан жамоатчилик назоратини ўрнатиши, шунингдек, МТМларда болаларни мактабга тайёрлаш сифатини янада ошириш, таълим-тарбия жараёнига жаҳон амалиётида кенг қўлланиладиган замонавий таълим дастурлари ва технологиялари жорий этилиши юзасидан алоҳида манзилли чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш каби бир қатор масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Партиямизнинг «Мактабда ижтимоий тенглик масалалари» лойиҳасига доир ўрганишларимиз натижаси ҳам сессияда кўриб чиқилди ҳамда ўқувчиларнинг дарсликлар билан таъминланиши даражаси, мактабда педагог кадрлар билан таъминланиши даражасини яхшилаш юзасидан қарор қабул қилинди.

Ўзбекистон «Адолат» СДП Нукус шаҳар кенгашининг яқинда бўлиб ўтган пленумида электрлат манфаатини самарали химоя қилиш, сайловчилар ишончини мустаҳкамлаш борасида олдимизга янги вазифалар қўйилди. Шу мақсадда партия депутатлари сайловлар йилида фаоллигини янада ошириб, бор билим ва салоҳиятини ишга солишга интилоқда.

Улбосин СЕЙТЖАНОВА,
халқ депутатлари
Нукус шаҳар Кенгашидаги
Ўзбекистон «Адолат» СДП
депутатлик гуруҳи раҳбари

Жойларда қонулар ижросини тўлақонли таъминлашга ҳисса қўшиш орқали халқ эҳтиёжларига кўпроқ манфаат етказиш мақсадида партия депутатлари ўз ваколатлари доирасида иш олиб бормоқда.

Халқ депутатлари Сирдарё вилояти Кенгашидаги Ўзбекистон «Адолат» СДП депутатлик гуруҳи фаолиятига назар ташлаб ҳам бунга амин бўлиш мумкин.

Уйсиз оилага ҲОКИМЛИК ҲИСОБИДАН УЙ БЕРИЛДИ



Депутатлик гуруҳи аъзоси Мавлуда Алтмишева Мирзаобод туманининг «Наврўз» шаҳарчасида истиқомат қилувчи фуқароларнинг хонадонларида бўлиб, улар билан суҳбатлашганида, фуқаро М.Бойқулова ўқиси Эркин Ибрагимов суяк емирилиши касаллигига чалинганлиги боис уни тезда операция қилиш лозимлиги, аммо бунга моддий жиҳатдан имкони йўқлиги, бир неча ташкилотга ёрдам сўраб муурожаат қилса-да, натижа бўлмаганини баён қилди. М.Алтмишева ушбу масала юзасидан вилоят ҳокимлигига депутатлик сўрови киритиши натижасида муаммога ечим топилиб, Э.Ибрагимовга белгиланган тартибда 8 миллион сўм пул маблағи ажратилди.

Сенатор, партия депутатлик гуруҳи аъзоси Орфжон Қудратовга Гулистон туманидаги «Ишонч» маҳалласи аҳоли билан мулоқот чоғида фуқаролар ичимлик суви билан боғлиқ муаммолар юзасидан муурожаат этишди. Муаммони ўз жойида ўрганиш асосида вилоят «Сув-оқова» ДУК раҳбарига депутатлик сўрови киритди. Мухими, депутат «Обод кишлоқ» дастури асосида ушбу маҳаллага 4300 метр ичимлик-сув тармоқлари ётқизирилиши ҳам назоратдан четда қолдирмади. Шу билан бирга, аҳоли эҳтиёжидан келиб чиқиб, қўшимча равишда яна 300 метрлик янги сув қувурлари тортилди. Маҳалла ҳудудидаги сув қувурлари етиб бормаётган «Тўлиқ ой» ва «Серқўёш» кўчаларига эса эндиликда 200 метр полиэтилен сув қувурлари ўрнатиш режалаштирилди.

Кечаси хонадонларда ёки кўчаларда бирор соат чироқ ўчиб турса, кўпгина ноқулайликларни келтириб чиқариши бор гап. Шу боис электр таъминоти масаласига ҳам депутатлар эътибор қаратишмоқда. Чунинчи, Бахт шаҳридаги бир неча кўчаларда электр чироклари ўрнатилмаганлиги транспорт воситалари ҳаракатланиши аҳоли, айниқса, кекса кишилар ва болаларга қийинчилик туғдираётган эди. Депутатлик гуруҳи раҳбари Салоҳиддин Элмуродов вилоят ҳудудий электр тармоқлари корхонаси раҳбарига мазкур муаммони бартараф этиш юзасидан депутатлик сўрови юборди. Кўп ўтмай Бахт шаҳридаги «Улуғ йўл» ва «Аҳмад Яссавий» кўчаларига замонавий электр чироклари ўрнатилди.

Сайхунбод туманидаги «Гулистон», «Ўрикзор», «Нурли йўл» маҳаллаларида яшовчи фуқаролар мазкур маҳаллалардан ўтган ва А-373 «Тошкент — Ўш» халқаро автомобиль йўлига туташ саналуви ички йўл узок йиллардан буюн таъмирланмаганлиги боис ачинарли ҳолатга келиб қолганлиги ҳақида депутатлик гуруҳи аъзоси Малик Аҳмедовга муурожаат этишди. Депутат муаммога ечим топиш учун Сирдарё автомобиль йўллари ҳудудий бошқармасига депутатлик сўрови киритди. Шу билан бирга, М.Аҳмедов халқ депутатлари вилоят Кенгашининг сессиясида ҳам шу масала хусусида ўз таклифини билдирди. Депутатнинг сай-ҳаракати ижобий натижа берди. Мутасадди ташкилотлар муаммо юзасидан ўрганишлар олиб борган, таъмирлаш ишлари учун зарур маблағ ажратилишига эришилди. Жорий йилнинг февраль ойида ушбу ички йўлнинг 3 километрик қисми таъмирланди.

Депутат Диффуза Умеровга уй-жой билан таъминлашда ёрдам сўраб муурожаат этган Янгиер шаҳрининг «Шодлик» маҳалласида истиқомат қилувчи кам таъминланган фуқаро Одина Эрматовга ҳам қиндан ёрдам кўрсатилди. Янгиер шаҳар ҳокимлигига депутатлик сўрови киритилган, фуқаро О.Эрматовга жорий йилнинг январь ойида ушбу ҳокимлик балансида турган кўп қаватли уйдаги 2 хонали хонадон соҳиб бўлди. Унгача фуқаро О.Эрматов шаҳар иссиқлик манбаи корхонасига қарашли темир вагонда бир нафар фарзанди ва икки нафар набираси билан яшаб келганини назарда тутсақ, партия депутатининг бу амалий иши нақадар ҳаётий аҳамиятга эга эканини англаймиз.

«Шодлик» маҳалласининг 36-дахсида жойлашган педагогика коллежи олдида ўтувчи йўлнинг ачинарли аҳоли ҳам депутатнинг назаридан четда қолмади. Транспорт воситалари қатнови, йўловчилар, хусусан, ўқувчилар учун ҳам ҳаракат хавфсизлигини таъминлашда йўл раво бўлиши асосий омил экани маълум, албатта. Депутат Д.Умерова Янгиер шаҳар ҳокимлигига депутатлик сўрови киритган, йўлнинг педагогика коллежи олдидаги 250 метрлик қисми тўлиқ қайта таъмирланди. Бу хайрли иш ўқитувчилар ва ота-оналарни ҳам қувонтирди. Мулоқотлар чоғида қайд этилганидек, хонадонлар, йўллар, маҳаллалар ободлигидан одамларнинг кўнгли ҳам обод бўлмоқда.

Меҳринисо КАРИМОВА,
Ўзбекистон «Адолат» СДП
Асака туман кенгаши раиси

Меҳринисо БОБОНАЗАРОВА,
Сирдарё вилоят кенгаши матбуот котиби

Кредит берилгач

ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛАР КЎПАЙМОҚДА

Китоб туманида партия депутатлари ўз сайловчилари билан жонли мулоқот уюштириб, одамларнинг дардини эшитиб, уларни ўйлантиратган муаммоларни бартараф этишга ёрдам бермоқда.

2018 йилда партиямизнинг «Тозалик йўлида бирлашайлик» лойиҳаси доирасида туманда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, аҳолининг саломатлиги, санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш бўйича жойларда ўрганишлар ўтказиб, аниқланган камчиликлар юзасидан халқ депутатлари туман Кенгашининг сессиясига масала киритган эдик. Мазкур сессияда қабул қилинган қарор ижросини депутатлар назорат қилиб боришди. Натижада ушбу қарор асосида 20 та МФЙ ва 12 та боғча ҳамда 35 га яқин умумтаълим мактабларида белгиланган режа асосида амалий ишлар қилинди.

Депутатлик гуруҳимиз аъзолари томонидан мактабга таълим ва умумтаълим мактабларидаги синфлар ўқувчилари сонининг санитария-гигиена талабларига мослиги, умумий дори-дармонлар билан таъминланганлик даражаси, тоза ичимлик суви таъминоти ўрганилиб, мактаб ва боғчаларда бу борада йўл қўйилаётган камчиликлар юзасидан масъул муассасаларга депутатлик сўровлари юборилди.

Туман аҳолисига кўрсатилган тиббий хизмат аҳоли ўрганилганда ҳам ечимини кутаётган муаммо ва камчиликлар борлиги аниқланди. Ўрганиш натижалари депутатлик гуруҳимиз йиғилишида муҳокама қилинган, халқ депутатлари туман Кенгашининг доимий комиссияси мажлисига тақдим этилди. Доимий комиссия йиғилишининг шу масала бўйича қарори ижрога йўналтирилган, ҳозир-

гача оилавий поликлиника ва кишлоқ оилавий поликлиникалари, патронаж хизмати, маҳаллалар аҳолисига кўрсатилган тиббий хизматлар анча яхшиланди.

Маҳаллаларда ўтказилган мулоқотлар чоғида фуқаролар ўртага ташлаган масалалар ҳам депутатларнинг диққат марказида бўлмоқда. Жумладан, «Алақўйлик» маҳалласи аҳоли билан учрашувда ички йўллар носозлиги айрим ноқулайликларни пайдо қилаётгани ҳақида баён этишди. Туман йўл таъмир-қурилиш бўлими бошлиғи номига депутатлик сўрови юборилган, «Алақўйлик» МФЙ ҳудудидаги 3 километрик ички йўллар асфальтланди.

Депутатлик гуруҳимиз аъзолари МФЙларида ташкил этилган «Адолат қабулхонаси»га муурожаат қилаётган фуқароларга ҳам ҳар томонлама ёрдам бераётдилар. «Алақўйлик» МФЙ ҳудудида яшовчи Шоҳсанам Сатторова бандлик масаласида ёрдам сўради. Депутат Муқаддас Муродова аралашган, фуқаро Ш.Сатторова тумандаги савдо марказида ишга жойлашди. Моддий ёрдамга муҳтожлиги туфайли фуқаролик паспортини ўз вақтида ололмаётган Гулнора Шоназарова ҳам депутат Муқаддас Муродова кўмағида қонуний тартибда фуқаролик паспортига эга бўлди.

Депутатлик гуруҳимизга «Шарқ юлдузи» маҳалласида умргузаронлик қилаётган Руслан Мейлиев ишга жойлашишда ёрдам беришимизни сўраб муурожаат қилган эди. Депутат Яшин Тошевнинг амалий ёрдами туфайли Р.Мейли-



ев туман «Тоза ҳудуд» корхонасига ишга жойлаштирилди.

«Адолат қабулхонаси»га шу каби масалалар муурожаат қилган «Севаз» маҳалласида яшовчи фуқаро Нафиса Хусанова ҳам депутатларимиз аралашуви билан тумандаги 45-умумтаълим мактабида амалиётчи психолог сифатида доимий иш билан таъминланди.

«Бектемир» МФЙдаги хонадонларда бўлганимизда оилавий тадбиркорлик билан шуғулланиш истағида бўлган фуқаролар кредит олишда ёрдам кўрсатишимизни сўрашди. Бу борада «Микрокредитбанк»нинг Китоб тумани филиали билан ҳамкорликда иш олиб бордик. Айни пайтда Дилдора Раҳимова гул кўчатлари парваришлагга мўлжаллан-

ган иссиқхона ташкил этиши учун 25 миллион сўм имтиёзли кредит, сабзавот экинлари етиштириш учун Алишер Абдуллаев, Эркин Хидиров ҳам банк муассасасидан ҳар бири 25 миллион сўмдан имтиёзли кредит олиб, оилавий тадбиркорликни йўлга қўйишди.

Айни кунларда фуқароларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлашга доир сай-ҳаракатлар давом этмоқда. Демак, партия депутатлари кўмағи билан мазкур маҳаллада яқин орада оилавий тадбиркорлар сафи ортади.

Шавакат РАҲМОНОВ,
халқ депутатлари Китоб тумани
Кенгашидаги Ўзбекистон «Адолат»
СДП депутатлик гуруҳи раҳбари

«АЁЛЛАР ҚАНОТИ» ФАОЛИЯТИДАН

Ҳаёт сабоғи

Оилани муқаддас деб биламиз, у жамиятнинг асосий бўғини. Бу даргоҳнинг тинч-фаровонлиги, мустаҳкамлиги аёл билан.

8 март — Халқаро хотин-қизлар куни арафасида Ўзбекистон «Адолат» СДП Андижон вилоят кенгашининг «Аёллар қаноти» ташаббуси билан Асака туманидаги «Файзиобод» маҳалласида «Қиз бола оила давомчиси» мавзусида тадбир ўтказилди. Унда партиядошларимиз билан бирга маҳалла фаоллари, кекса онахонлар ва оила ҳаёти остонасида тур-



ган қизлар иштирок этдилар.

Учрашувда туман «Оила» маркази мутахассислари, психологларнинг оила ва унинг муқаддаслиги хусусидаги маърузалари, бой ҳаёт тажрибасига эга онахонларнинг бу борадаги фикрлари тингланди. Файзиободлик қизлар тайёрла-

ган саҳна кўринишлари, мушоира ва спорт майдонидаги беллашувлар уларнинг эуқолиги, жисмонан соғлом эканини ифодалади. «Оила ошхонасида» деб номланган беллашувда пазандалик бора-сидаги маҳоратини кўрсатдилар. Тадбир якунида энг фаол иштирокчилар эсдалик совғалари билан тақдирланди, шунингдек, 10 нафар ёшлар партия аъзолигига қабул қилинди.

Меҳринисо КАРИМОВА,
Ўзбекистон «Адолат» СДП
Асака туман кенгаши раиси

Сўлим табиати, мусатфо ҳавоси, айниқса, ерининг унумдорлиги жиҳатидан Фарғона жаннатмонанд юртимизнинг бетакрор гўшаларидан биридир. Ўтган асрнинг етмишинчи йилларида республикамизнинг ўша пайтдаги раҳбари Шароф Рашидов Фарғонани "Водий марвариди" дея таърифлагани бежиз эмас. Энг муҳими, аҳоли бир қарич ердан ҳам унумли фойдаланиб, деҳқончилиги боғдорчилик борасида ўзига хос мактаб яратилгани туфайли шундай эътирофга сазовор бўлган эди.



— Дарҳақиқат, Қуванинг анорини, Олтиариқнинг сархил узумлари, бодринг ва турпи, Бешариқнинг тилими тилни ёрар қовунлари доврўғини эшитмаган киши топилмаса керак юртимизда. Хатто бу нозу неъматлар ҳозир ҳам олис Сибиргача етиб боради. Чунки вилоятимизда нафақат туманлар, балки Фарғона, Қўқон, Марғилон ва Қувасой шаҳарлари аҳолиси ҳам азал-азалдан "Ер хазина, сув гавҳар" деган ҳикматга амал қилиб келади, — дейди Ўзбекистон фаврийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармасининг Фарғона вилоят бўлими раиси Топволди Холдоров биз билан суҳбатда. — Аммо бугун вилоятимизнинг қай бир нуқтасига борманг, нафақат ер билан "тиллашиш" борасида, балки ҳар бир жабҳада бемисл ўзгариш ва янгиликлар юз бераётганига, пиروвардида шахару кишлоқларимиз янада обод, аҳоли турмуши тобора фаровон бўлиб бораётганига ишонч ҳосил қиласиз.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг юксак эътибори, ташаббуси ва ғамхўрлиги туфайли, хусусан, давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 12-13 июнь кунларидаги ташрифидан бундан вилоятда бир неча истиқболли лойиҳалар амалга оширилмоқда. Бу эса ўш минглаб янги иш ўринлари яратилишига, энг ахамиятлиси, шунча оиланинг рўзғори бут, дастурхони тўкин-сочин бўлишига замин яратмоқда.

ЎКСИК КАЛБЛАРГА ҚУВОНЧ УЛАШИБ
Ҳазрат Алишер Навоийнинг шундай мисралари бор:
Кимки бир кўнли бузғунинг хотирин шод айлагай, Онча борким,

Калба ваёрон бўлса обод айлагай. Юртбошимиз ташаббусига қўра, 2018 йил 12 апрелда Вазирлар Маҳкамасининг "Оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларга, ногиронлиги бўлган, кам таъминланган, фарзандларини тўлиқсиз оилада тарбиялаётган ва уй-жой шaroитини яхшилашга муҳтож оналарга арзон уй-жойлар бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарори қабул қилиниб, шу асосда бир қанча ҳамюртларимизнинг уй-жой билан таъминланиши беҳтёр улуг мутафаккири бобомизнинг байтини ёдга солади. 2018 йилнинг тўққиз ойи мобайнида мамлакатимиз бўйлаб қулоч ёзган бу эзгулик 509 нафар фарғоналик она-сингилларимизнинг ўқиб калбига чароғонлик, оиласига шоду хуррамлик бахш этди. Шундай ўйлардан 66 таси қўнча Хўқонда латифда ўз эгаларига топширилди.

— Уй соҳиблари 2018 йил август ойида — Қурбон ҳайити арафаси кунини янги хонадонларга кўчиб киришди. Қувонарлиси, улар Ҳайит айёми ва Мустиқиллигимизнинг 27 йиллигини қўшабоқ байрам сифатида нишонлашди, — дейди Қўқон шаҳар ҳокимлиги уй-жой бўлими бошлиғи Муяссар Парпиева.

Муяссар Парпиева бизни "Тошхувуз" маҳалласидаги янги кўп қаватли 16-уйга бошлади.

— Адабий жиноятга қўл урганми туфайли 2014 йилда озодликдан маҳрум этилгандим. 2018 йил ноябрда озодликка чиққанымдан сўнг бироз ўтиб, декабрь ойида оиламизга шу ўрни беришди. Қолаверса, уй бошқарувчимиз мени шахар ободонлаштириш бошқармасига ишга жойлаштириб қўйди. Узоққа бормай, ўзимиз яшаётган кўп қаватли уй атрофларини, кўчани суғуриб, тозалаймиз. Ҳозир болаларимни ҳалол маош эвазига боқаяпман, — дея мамнуллигини изҳор қилади янги ўйнинг 20-хонадонидан истиқомат қилаётган М.Жўрабекова.

Шаҳарнинг "Калвак" маҳалласидаги кўп қаватли уйнинг 15-хонадони соҳибига айланган 29 ёшли Одинахон

Холмуродовнинг беғубор болалиги эса эрта хазон бўлган. — Отам Равшанбек Рустамов 1997 йилда автоҳалокат натижасида вафот этган. Шундан кейин онам Соҳиба Холмуродова 2002 йилда мени "Меҳрибонлик уйи"га топшириб, янги оила қурди. Мен эса ота-онамни соғиниб

Водий марвариди

КУН САЙИН ФАРОВОН БЎЛМОҚДА

кўп сикилдим, руҳий касалликка чалиниб қолдим. Кейинчалик тузалиб, коллежга ўқишга кирдим. Ҳозир иккинчи гуруҳ ногирониман, бу уйда ўзим ёлғиз яшайман, — дейди у.

Эътиборлиси, 12 ёшида ота-она меҳридан мосуво бўлган Одина бугун Президентимизнинг оталарча ғамхўрлигидан бениҳоя хурсанд. Унинг кўниси, болалиқдан 1 гуруҳ ногиронлиги бўлган Наргиза Жўраева 2017 йил декабрь ойида вилоят прокуратураси томонидан ногиронлик аравачаси берилгани, эндиликда 2-хонали уй билан таъминланганидан мамнун. Бу уйда Наргиза онаси Робияхон Орипова ва қизалоғи Шохсанам Жўраева билан бирга истиқомат қилмоқда.

Шундан сўнг уй бошқарувчиси Шахноза Арипова фуқаро Садоқат Мелибоевани бизга таништирди. С.Мелибоевнинг маълум қилишича, 2003 йилда туғилган ўғли Бобурмирзо Боғромжонов болалиқдан 1 гуруҳ ногиронлиги бўлган. Қайнонаси Садоқатни ногирон фарзанд туққанлиги боис уйдан ҳайдаган. Инсонпарвар ҳукуматимиз эса 12 йилдан буюн ижарама-ижара сарсон бўлган аёлни 2 хонали уй билан сийлади.

— Албатта, бундай ғамхўрлик учун Президентимиздан чексиз миннатдорман, — дейди Садоқат. — Телевизор орқали Юртбошимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасини тинглар эканман, умрини ногирон фарзандига қараш, уни парвариш қилишга бағишлаган оналар учун алоҳида ижтимоий нафақа турини жорий этиш ҳақидаги фикрларини эшитиб, йиғлаб юбордим. Мендек оналарга эътибор ва ғамхўрлик бўлса, шунчалик бўлади-да.

Фуқаро Муҳаммадхон Маҳкамов, рафикаси Шахноза Умарова ва ўғли Азизбек Йўлдошев кўзи ожиз, 1 гуруҳ ногирони. Беш йилдан буюн ижарада яшаб келган мазкур оилага шаҳарнинг "Фурқат" кўчасида барпо этилган янги кўп қаватли уйнинг 2 хонали хонадони тўхфа этилди. Энг эътиборлиси, 6 нафар ногиронлиги бўлган фуқароларга 20 йилга мўлжалланган имтиёзли кредитнинг бошланғич 35 миллион сўмлик қисми Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси маблағлари ҳисобидан тўлаб берилди. Шу билан бирга, бу фуқароларга шахар ҳокимлиги томонидан замонавий тикув машиналари тўхфа этилди. Ҳозир улар касаначилик асосида "Қўқондонмаҳсулот" ва "Қўқон пахта тозалаш заводи" акциядорлик жамиятларига қўп, қўлқоп ва этак тикиб бериш орқали ипотeka кредитининг қолган қисмини тўлаш учун маблағ ишлаб топилмоқда.

Ҳукуматимизнинг қарори доирасида яқинда яна 72 та хонадон қўқонлик она-сингилларимизга топширилди. Вилоят бўйича эса жорий йилда 400 та ана шундай хонадон эҳтиёжманд аёлларга берилади.

ТОМОНА — ҲАЗИНА, КОНИҚ ФАЙДА
Водий марвариди аталган бу гўшада тупроқ зар бўлса, суви гавҳар, де-

йиш мумкин. Бу табиий неъматларни юксак қадрлаган фарғоналиклар ҳалол меҳнат билан хонадонларида ҳам риқнасиба топмоқда. Бугун вилоятда меҳнатга яроқли аҳолининг аксарияти, ҳаттоки қайсидир қорхона, ташкилот ва муассасада ишлайдиган кишилар ҳам томорқачиликнинг бошини тутган.

— Бор-йўғи 2-3 сотихли иссиқхонасида кўчат ёки кўчат етиштириб, юз миллионлаб даромад олаётган оилалар талайгина, — дейди Езёвон туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Шўратжон Тожихақимов. — Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 7 июндаги «Ҳар бир оила — тадбиркор» дастурини амалга ошириш тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида туманимизнинг "Хонобод", "Ёшлик", "Соёғи", "Юқори Соёғи", "Истиқлол", "Қорасой" маҳаллалари иссиқхона йўналишига, "Қўрғонча", "Қатортол", "Ижодкор" маҳаллалари паррандачилик, "Иштирхон", "Марказий Фарғона", "Гастон", "Иттифок", "Беруний", "Қоратеп", "Порлоқ" маҳаллалари сабзавотчилик ва боғдорчилик, "Янгиобод", "Янгибўстон", "Гулистон", "Тақалик", "Чўлигулистон", "Тараққийёт" ва "Дўстлик" маҳаллалари чорвачилик йўналишларига ихтисослаштирилди.

Минг марта эшитгандан бир марта кўрган афзал, дея ҳоким ўринбосари бизни туманинг "Иттифок" маҳалласига, асли деҳқон фарзанди Олимжон Олимовнинг хонадонига бошлади. Хонадон соҳибни ўтган йилнинг ноябрь ойида акциядорлик тижорат "Халк банки"нинг туман филиалидан ажратилган 35 миллион сўмлик, 7 фоизлик имтиёзли кредит эвазига 6 сотих

ерда томчилаб сўғоришга мўлжалланган иссиқхона барпо этилди.

— Раҳматли умр йўлдошим Худойберди Олимов иккала-миз ўттиз йил мобайнида кўчатчилик билан шуғулландик. Шундай меҳнатимиз орқасидан икки ўғил, бир қизимизни уйли-жойли қилдик, оилали бўлишди. Қолаверса, кўчатчиликнинг сирасорини фарзандларимизга ҳам ўргатдик. Ҳозиргача оилавий деҳқончилик қилиб кам бўлмадик. Ҳукуматимиз янги имкониятлар ярати берди. Ўтган йилги даромадимиздан "Нексия-2" автомашинасини сотиб олдик. Катта ўғлим Аъзамжон ҳам ўз ҳовлисида 8 сотихлик ана шундай иссиқхона ташкил қилган. Энди навбат набира-ларимизнинг тўйларига, — дейди Олимжоннинг онаси Лолахон опа Олимова.

Чиндан ҳам декабрь ойининг дастлабки кунларида сепилган уруғ маҳаллий ва минерал ўғитлар билан озиклантирилган, бугун 50.000 дон помидор, 30.000 дон қаламбир, 10.000 дон булғор ва 5000 дон бодринг кўчатига айланбди. Ҳозир Олимжон бу кўчатларнинг ҳар бири ўз турига қараб 600-1200 сўм атрофида сотилаётганини таъкидлади. Бу эса салкам 90 миллион сўм даромад дегандир. Бундан ташқари, О.Олимов яқинда бўшаган ерга 1600 туп помидор кўчатини ўтказибди.



— Помидорнинг "Аламина" ва "Бўрон" навларини эканмиз. Май ойида ҳосил-лимиз пишиб етилади. Сотганимиздан ташқари, қариндош-уруғ ва кўни-қўшиларга ҳам улашамиз. Ҳосилни йиғиштириб олган, август ойида ўрнича бодринг экамиз. Ўтган йили ҳар иккаласининг тупидан ўртача 3 килограммдан ҳосил етиштирдик. Бундан ҳам бир юз-ўнбир юз йигирма миллион сўм даромад олиш мумкинлигини амалда кўрдик. Албатта, ниятимиз



ундан ҳам юқорироқ натижага эришиш. Яхши қаралса, ҳар бир тупи 5-6 килогача ҳосил беради.

Буни қарангки, ташрифимиз асносида Сирдарё вилояти хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан Фарғонага тажриба алмашиш учун келган фаол аёллар билан оилавий тадбиркорнинг суҳбати ҳам эътиборимизни тортиди. Олимжон билан Лола опа меҳмонларга ҳам иссиқхона, томорқа битмас-туганмас даромад манбаи эканлигини тушунтириб беришди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, айни пайтда барча секторлар раҳбарлари малакали мутахассислар ҳамроҳлигида хонадонма-хонадон юриб, томорқа ерларидан самарали фойдаланиш юзасидан батафсил тушунти-

ерда маҳалладаги 15 нафар аёллар доимий иш билан таъминланган. Хадемай маҳсулотлар қўшни давлатларга ҳам экспорт қилинади.

Умуман олганда, давлат дастури доирасида вилоят бўйича 5485 оилага тадбиркорликнинг 12 дан ортиқ йўналишларини йўлга қўйиш ва ривожлантириш учун 134,4 миллиард сўм миқдорда имтиёзли кредит маблағлари ажратилди. Натижада 7800 нафардан ортиқ фуқаронинг бандлиги таъминланди. Масалан, Олтиариқ туманидаги "Агроташ долина" масъулияти чекланган жамиятига ажратилган 2,4 миллиард сўмлик имтиёзли кредит эвазига Россиядан 304 бош насли қорамол келтирилиб, хонадонларга тарқатилди.

ОЗОД ВАТАНГА ОБОД ҚИШЛОҚЛАР ЯРАШАДИ
Бешариқ вилоят марказидан 132 километр узоқликдаги энг олис туман саналади. Аммо меҳр ва эътибор масофа билмас экани, Президентимиз ташаббуси билан амалга оширилаёт-



ган "Обод кишлоқ" дастури туфайли Бешариқнинг "Тошариқ" кишлоғи ҳам қўзни қувонтирадиган қиёфа касб этди. Хусусан, 61 та кўча чироқлари ва электр тармоқлари учун 52 та бетон устунлар ўрнатилди, 3,8 километрга ичимлик сув тармоғи тортилди, битта сув минораси янгидан ўрнатилиб, мавжуд битта сув минораси ҳамда 4 та электр трансформаторлар мукамал таъмирланди. Шунингдек, худуддаги 3,9 километр йўлга шағал, 1,6 километрга асфальт ётқизилди, 2,2 километрлик йўл эса жорий таъмир-дан чиқарилди. Қолаверса, 8-9-мактабгача таълим муассасалари, 8-умумтаълим мактаби, кишлоқ врачлик пункти ва маҳалла фуқаролар йиғини би-



носида мукамал таъмирлаш ҳамда капитал реконструкция ишлари амалга оширилди. Инвестиция лойиҳаси асосида тадбиркор Азизбек Мадраҳимов замонавий савдо мажмуасини, яна бир тадбиркор Раъно Ганиева машиини хизмат кўрсатиш мажмуасини ишга туширди.

Бундан ташқари, 172 миллион сўм маблағ эвазига кишлоқдаги 20 нафар кам таъминланган фуқароларнинг уйлари таъмирлаб берилди. Жумладан,

боқувчисини йўқотган Ширинхон Маҳмудовнинг хонадонидан 18 миллион сўмлик таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

— Қишлоғимизда 679 та хонадон мавжуд бўлиб, уларда 3021 нафар аҳоли истиқомат қилади, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Хуршидхон Исмоилов. — Шундан 1840 нафари меҳнатга лаёқатли кишилардир. Ҳамкишлоқларимизнинг аксарияти ўз томорқасида суғурги ва қаламбир етиштиришади.

4,5 СОТИХ ЕРДАН ЯРИМ МИЛЛАРД СЎМДАН ОРТИҚ ДАРОМАД

Қандай қилиб дерсиз? Аввалига маҳалла оқсоқолидан бунга эшитиб, бироз ишонқирамаган эдик. Лекин "Тошариқ"ни ўз гуллари билан янада обод қилаётган Муроджон Юсуповнинг машаққатли меҳнатини ўз кўзимиз билан кўргач, бунга амин бўлдик. Тўрт қиз ва бир ўғилни тарбиялаб воға етказган Муроджон аканинг асли касби қорувчи. Хонадон бекаси Матлуба опа эса иқтисодчи бўлиб ишлаган. Қизлари Маъмура, Мастура, Комила ва Зураҳон ўқитувчилик касбини улуғлаб келишяпти. Оиланинг кенжаси Умиджон Холдоров Тошкент шаҳридаги халқаро Вестминстер университетини "Халқаро иқтисодий муносабатлар" мутахассислиги бўйича тамомлаган бўлса, унинг умр йўлдоши Ҳавасон Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетидан таҳсил олмоқда.

— Бир неча йилдан буюн мавсумий гуллари етиштирамиз. Аввалига ҳовлимиздаги 2,5 сотих ерда иссиқхона ташкил қилиб, иш бошлагандик. Кейинчалик уйимиз орқасидаги 2 сотихдан иборат ташландиқ ерни ҳам ўзлаштирдик. Натижада ҳар йили Қўқон шаҳар, Бешариқ, Фурқат, Ўзбекистон ва Данғара туманлари ободонлаштириш бошқармалари ҳамда "Шарқий" халқаро йўллардан фойдаланиш қорхонасига "Петуния", "Бананза", "Виола" сингари йигирма турдаги гуллари шартнома асосида етказиб берамиз. Мана шу ишларимиз туфайли 2014 йилда "Энг намунали оила" танловининг республика босқичида голибликни қўлга киритдик, — дейди М.Юсупов. — Дарсдан бўш вақтларида 8 нафар набираимиз ҳам гул

парваришига ёрдамлашади. Уларни рағбатлантириш учун кунига 15-20 минг сўмдан иш ҳақи бераман. Қолаверса, релетиторлик машғулотларига ҳам ҳомийлик қиламан. Шу билан бирга, ҳар йили икки-уч марта набира-ларимни қадимий шаҳарларимизга саёхатга олиб бераман.

Муроджон аканинг таъкидлашича, ҳозир иссиқхоналарда 400.000 дондан ортиқ гул кўчатлари бор. Тез кунда улар харидорларга етказиб берилади. Куз фаслига қадар эса 700-800 минг дон гул кўчати етиштирилади. Агар бир туп кўчат ўртача 1000 сўмдан сотилса, йил давомида қанча даромад келтиришини тасаввур қилиб кўраверинг.

"Тошариқ"дан қайтар эканмиз, Муроджон Юсупов ва ёзёвонлик Олимжон Олимов сингари серғайрат инсонлар кичкинагина майдондан юз миллионлаб, ҳатто салкам миллиардлаб даромад олаётгани бошқаларга ҳам яхши ибрат бўлишини ҳис этдик.

Туман ҳокимлигиндан маълум қилишларича, жорий йилда "Ариқбоши", "Бешсори", "Наби", "Чорбўтўронги" ҳамда қўшни Тожикистон Республикасининг шундоқина биқинида жойлашган "Шодақозик" кишлоқларида "Обод кишлоқ" дастури амалга оширилади.

Албатта, бугун Фарғонада тилга олингани каби эзгу ишларнинг қўла-ми кенг. Натижада водий марвариди кун сайин янада ободлик ва фаровонликка юз тутмоқда.

Хуршид СУЛТОНОВ, журналист, Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎЗА) ва Турғунали ҲОШИМОВ олган суратлар

“ЁШ АДОЛАТЧИЛАР”
ҚАНОТИ ФАОЛИЯТИДАН

Бу йилги Халқаро хотин-қизлар куни байрами андижонлик сафдошимиз, Тошкент давлат аграр университети Андижон филиали талабаси Гавҳарой Усмонхўжаева учун қўшалок шодиёнага айланди. Иқтидорли партиядошимиз Г.Усмонхўжаева байрам арафасида Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ва Ўзбекистон ихтирочи аёллари маркази томонидан ташкил этилган “Ўзбекистон аёлларининг 100 та энг яхши инновацион лойиҳаси” II республика танловида голиблар қаторидан ўрин олди. 4 мингдан зиёд хотин-қиз ўз ихтиролари, инновацион ғоя, технология ва лойиҳалари билан иштирок этган ушбу тадбирда Гавҳаройнинг қишлоқ хўжалиги мавзусидаги ишланмаси кўпчиликнинг эътиборини тортди.

Иқтидорли сафдошимиз — танлов ғолиби



Гавҳарой айни пайтда олий таълим даргоҳида “аъло” баҳога ўқиш билан бирга устози Х.Абдуллаева раҳбарлигида “Интенсив олма боғларда тарқалган ўсимлик шираларига қарши курашишда энтомофагларнинг ролини ошириш” мавзусида илмий изланиш олиб бормоқда. У интенсив олма боғларида тарқалган ўсимлик ширалари ривожланиши, тарқалишини прогноزلлаштириш ва мониторинг тизимини, унинг асосида биологик ҳимоя тадбирлари режаларини ишлаб чиқиш мақсадида илмий изланишлар олиб бормоқда.

Мевали боғларнинг асосий сўрувчи зараркундаларидан бири ширалар бўлиб, у ривожланиш даври мобайнида ўсимликнинг бўртган куртакларидаги ширани, кейинчалик барғни ва гуллардаги шираларни сўриб, ўсимликка зарар етказиши. Натижада шира таъсирида шикастланган барглари тезда сарғайди ва қуриб тўқилади. Қаттиқ шикастланганда мева кўчатлари қуриб қолади.

Г.Усмонхўжаеванинг дастлабки изланишлари 2018 йилда Андижон туманидаги “Биокимё интенсив” масъулияти чекланган жамиятида синовдан ўтказилди. Ғолден навли олма экилган 4 гектарли майдонда сўрувчи зараркунданга турига қарши мавсум давомидида олтинкўз энтомофаги муваффақиятли қўлланилди ва яхши натижага эришилди.

— Танлов илмий ишларимизни синовдан ўтказиш имконини берди, — дейди Г.Усмонхўжаева. — Боғдорчиликка оид илмий ишланма иштирокчиларда қизиқиш уйғотди. Бир қатор фермер хўжалиқлари раҳбарлари ҳамкорликда ишлаш таклифини билдиришди. Танлов жараёнида бошқа ихтирочи аёлларнинг ишланмалари, бизнес ғоялари, ижод намуналари билан ҳам танишдим.

Иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг лойиҳаларини амалиётга йўналтириш партияимизнинг дастурий мақсадлари сирасига киради. “Ёш адолатчилар” қаноти сафида Гавҳарой каби истеъдодли ёшлар кўплиги қувонарлидир.

Гавҳарой шерьиятга ошнолиги, нотиклиги ва ташкилотчилиги билан ҳам тенгдошларига ўрناк бўлмоқда. Унинг “Кўзларимга сизга осмон” номли илк китоби ўз ўқувчиларини топди. 2018 йили “Йил талабаси” республика кўриктанловида “Йилнинг энг фаол нотик талабаси” номинацияси ғолиби бўлди. Гавҳарой келгусида илмий изланишларини давом эттириб, қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантириш, илм-фан ютуқларини амалиётга жорий этишга ҳисса қўшишни мақсад қилган.

Акбаржон НАЗАРОВ,
Андижон вилоят кенгаши матбуот котиби

Уйида бахти борлар

ЧИНАКАМ БАХТИЁРДИР



Инсон маънавиятида ўз изини қолдираётган бугунги “ахборот асри”да оила қадриятларига, ўзаро муносабатлар, бурч, садоқат, меҳр-оқибат каби гўзал тушунчаларга путур етаётгани, никоҳга бепишанд муносабат юзага келаётганини ҳеч бировимиз инкор эта олмаймиз. Оилавий ажримлар фарзандларнинг кўнгли кемтик, ҳаётдан аламзада бўлиб вояга етиши ёки зарарли одатларга ружу қўйиши, жиноят кўчасига киришига сабаб бўлаётгани ҳақида қанча бонг урилмасин, оила муқаддаслиги, шаъни, обрўйи, анъана ва қадриятларига ҳурмат ҳисси саёзлашиб бораётгани ачинарлидир.

Таҳлиллар эса, ўз ҳуқуқини ҳимоя қила олмаётган, ажралиш туфайли кўчада қолаётган аёллар сони тобора ортиб бораётганини кўрсатмоқда. Республика Хотин-қизлар кўмитаси берган маълумотга кўра, ҳозирги кунда 48 мингдан зиёд хотин-қиз ҳаётда қийналган сифатида рўйхатга олинган. Бу рўйхат давом этаркан, муаммонинг оқибатлари эмас, сабабларини ўрганиш тақозо этиляпти.

Ажримлар оиладаги доимий жанжал ва можаролар, эр-хотин ўртасида бир-бирини тушуниш ва тотувликнинг йўқлиги, моддий етишмовчилик, қайнона-келин муносабатлари, оиладаги маънавий нотенглик, алкоголизм, тайёр ёки қизнинг яхши ҳаётга қўйиб эмаслиги туфайли юзага келяпти. Барбод бўлаётган оилалар, боши қотган эркак, сарсон-саргардон аёллар ҳаётини қузатар, кўнгли кечинмалари, изтиробларига қўлоқ тутар экансиз, беихтиёр машҳур ёзувчи Лев Толстойнинг “**Ҳамма бахтли оилалар бир-бирга ўхшайди, ҳар бир бахтсиз оила — ўзича бахтсиз**” деган гапи ёдингизга тушади. Юқорида келтирилган сабаблар бу ганимат умрда инсонга берилган бебаҳо неъмат — оила бутунлигига соя солишига зараринанми? Наҳотки муаммонинг бошқа ечими бўлмасми?!

Халқимизда келин танлашда қиз қанча ёш бўлса, шунча яхши, деган тушунча устунлик қилади. Чунки уни тез мослаштириш, йўлга солиш осон. Аммо, у бир матоҳ эмаски, бир жойга олиб қўйса, ўша жойда тошдай қотади. Ҳаёт ҳар доим ҳам бир текис кечмайди. Унинг паст-баланди, чигирликлари бор. Фақат рўзгор тутумига ўргатилган қиз оғир кунларда оила аъзоларига қўш-қанот, моддий ва маънавий сўянчик, ҳамкор-ҳаммаслак бўла оладими?

Ўрганишлар натижасида 16 ёшдан ошган қизларнинг 11 фоизига ўзларини турмушга чиқишга тўлақонли тайёр, деб ҳисоблаши маълум бўлди. 89 фоиз қизлар эса, тасаввурда келажакдаги оналик, эр-хотин, қайнона-келин муносабатларида низоли ҳолатлар вужудга келишидан хавотирланишини билдирди. Эртанги кунга нисбатан хавотирланиш ва ўзига ишончи кам бўлган бу қизлар турмушга чиққач ҳаёт синовларига бардош бериши даргумон. Оқибатда эса...

— Богимизда бир ниҳол экансиз, шу ниҳол ўсиб, мевага кир-

гунга қадар атрофида неча марта парвона бўламиз, — дейди “Оила” илмий-амалий маркази ходими Инобат Каримова. — Гулласса, мева тугса, хурсанд бўламиз. Фарзандларимиз ҳам худди шундай. Ўғлимизни катта тўю томшалар қилиб уйлантираемиз. Бировнинг жонига жойлаб ўстирган қизини уйимизга олиб келарканмиз, унинг ҳам бир ниҳол эканлигини унутмайлик. Уни қанча ардоқласак, билмаганларини ўргатсак, етакласак, шунда келиннинг оилага мослашиши осон бўлади, оилани муштаҳам бўлади. Набираларимиз ҳам кўзимизни қувонтириб, бағримизда яшайди. Қизларимизни фақатгина уй тутиш, кир ювиш ва оқват пиширишга эмас, ҳаёт синовларига бардошли қилиб тарбиялашимиз лозим. Дунёқараш кенг, маълум бир касби-корнинг бошини тутган қиз оиланинг ҳам

Келин томон бўлажак қуёвга сарпо қилиш мақсадида уни магазинга чақиради. Қуёвга улар танлаган сарпо ёқмайди. Ўзи ундан уч барабар қимматроқ сарпо танлайди ва сотувчига “Қайнотамга айтарсиз, пудини тўлаб кетади”, дейди. Сотувчи бўлажак қайнотанинг яқин дўсти бўлиб, бу ҳолатдан ҳайратга тушади. У дўстига бундай йигитга қиз бермаслигини маслаҳат бериб, “Ҳали тўй бўлмасдан туриб, қайнотадан тама қиладиган йигит эртага оилани таъминлашда муаммоларга учрамайди, деб ким айта олади”, дейди.

қадрига етади. Ёшларимизни ана шундай тарбиялашда биз, катталарда айрим ҳолларда қаноат, сабр, тоқат, кечиримлик етишмаяпти.

Ажримлар сабабини ўрганганимизда қизиқ бир статистикага дуч келдим. “Оила” илмий-амалий маркази ўтказган тадқиқотда 57 фоиз иштирокчи ота-онаси бадавлат қизга уйланган йигитларнинг ҳаёти моддий қийинчиликсиз ўтади, деган фикрнинг қўллаб-қувватлагани. Қайнона-келиннинг қуёвга берган моддий кўмагига ишончи қолиш йигитларимизда масъулиятсизлик, боқимандалик хусусияти шаклланишини кўрсатади. Бундай қарашлар бугунги кунда катта оилавий муаммоларга сабаб бўлаётгани сир эмас. Бу, айниқса, тўйларимизда яққол кўзга ташланмоқда. Келин олиб келган мебеллар хорижники бўлмаса, сарпо-сургулар ва ўйлаб топилган бошқа расм-русумлардаги камчилик қайнонанинг эътирози, хархашасига са-

баб бўлаётгани, натижада қудандалар ўртасига совуқчилик тушаётгани, арзимаган гап-сўзлар туфайли оилалар бузилиб кетаётганининг кўп бор гувоҳи бўлганмиз.

— Яқинда шундай бир воқеага гувоҳ бўлдим, — дейди Республика Хотин-қизлар кўмитаси Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш масалалари бўлими бошлиғи Дилором Қўзиёева. — Келин томон бўлажак қуёвга сарпо қилиш мақсадида уни магазинга чақиради. Қуёвга улар танлаган сарпо ёқмайди. Ўзи ундан уч барабар қимматроқ сарпо танлайди ва сотувчига “Қайнотамга айтарсиз, пудини

қийда муаммоларга дуч келаётгандир. Бунга кечириб мумкин, аммо астойдил ҳаракат қилмасликни кечириб мумкин эмас. Бунда аёлларнинг ҳам қисман айби бор. Аёл оила таъминотининг оғир қисмини зиммасига олгани сари, эркаклар асосий масъулиятни зиммаларидан соқит қилаётгани ҳам бор гап.

Яна бир қизиқ факт: қарангки, айрим йигитларимизда “Эр-хотин бир-бири билан қанча кам мулоқот қилса шунча низолар кам бўлади” деган фикр устун экан. Шундай фикрлайдиган йигит оилада соғлом муҳит яратадими? Йўқ. Аслида оиладаги кемтикликлар мулоқотнинг етишмаслиги, руҳан ва маънавий ёлғизлик туфайли юзага келади. Ҳар қандай сўхбат бир-бирини тушуниш, маънавий жиҳатдан тўлдириш, руҳнинг озикланишига хизмат қилади, инсонни яқинлаштиради. Мулоқот орқали оиланинг каму кўсти, маънавий муҳити, фарзандлари тарбиясидаги ижобий ёки салбий кирралар очилади. Ноаниқ масалаларга оидлик киритилади, саволларга ечим топилади.

— Охириги марта турмуш ўртоғингиз билан қачон дилдан сўхбатлашдингиз? — дея савол бердим ажралиш арафасидаги бир йигитга. — Ҳеч ўйлаб кўрдингиз-

Биз оилавий ажримларнинг айрим манзаралари хусусида мулоҳаза юритдик. Гапирсак гап кўп. Аммо орамизда ҳаёт синовларидан мардона ўтиб, ўзи учун бахт кўргонини яратаётганлар ҳам кам эмас. Улар ҳақида “**Уйида бахти борлар, чинакам бахтиёрдир**”, деб ёзган шoir. Сабр-қаноат, ўзаро ҳурмат муҳити устун бўлган оилани завол билмас кўргонга қиёслаш мумкин. Бундай оилада хотиржамлик, барака ва осойишталик ҳукм суради. Муқталик ҳаёт оstonасига қадам қўяётган ёшлар шу оддий ҳаёт ҳақиқатини билмас экан, оила аталмиш кўргонини асраб қолишлари қийин кечади.

Рисолат МАДИЕВА
ЎЗА

БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ

Кенг хартумли омбор узунбуруни (*Caalophilus latinasus* Say) дон ва маккажўхори, бўғдой дони ва арпа, каштан ва бошқа дуккакли эканларини, қуруқ маҳсулотларни ҳамда анжир меваларини кучли зарарлайди. Сода қилиб айтганда, узунбурун қўнғиз айрим давлатларда карантин зараркунанда ҳисобланади.

Узунбурун қўнғизнинг зарари

Унинг узунлиги 2,5-3 мм, ранги тиник жигаррангдан тўқ қўнғир тусгача ўзгариб боради. Бош найчаси қиска ва кенг, деярли параллелсимон, олдинги елкаси бирмунча қиска, мўйлови тирсакли-баргаксимон бўлади. Личинкасининг узунлиги 2,5 мм, сар-

ғиш-оқ, бироз қайрилган, гадир-будур, оёқсиз, тўқ сариқ бошли бўлади. Личинкалар озиқ маҳсулотларнинг ички қисмларини келмириб, шу ёрнинг ўзида гўмбака айланади. Ғумбак қўлай шароитда 5 кунга яқин вақт давомида ривожланади. Қўнғизлар 3

ой мобайнида ривожланади. Дон маҳсулотлари билан озикланади. Ноқўлай шароитда чидамлик бўлиб, 16-17 градусда 55 кунгача озикланмасдан яшаши мумкин. Бу вақт ичида ёриқларга, кемирилган уруғларга ёки бошқа турдаги озиқ маҳсулотларга ўртача 200-300 тагача тухум қўяди. Қўнғизлар яхши ўчади ва бошқа узунбурунлар каби далага уруғлар қотиб қолмасдан олдин учиб боради. Йил давомида 4-5 та авлод бериши мумкин. Битта авлодининг ривожланиши бир ойга яқин давом этади.

Бу хашаротга қарши курашишда профилактика ишларига жиддий эътибор бериш лозим. Аввало, четдан келтирилган каран-

тин материаллар лупа ва бинокляр орқали кўздан кечирилади. Уларда зараркундалар борлиги аниқланса, рентгенография орқали таҳлил қилиниб, вакуумли усулда бромистилметил билан зарарсизлантирилади. Уруғлар ва маҳсулотлардан фақат шимолий ҳудудларда фойдаланиш мумкин. Фастофос, квикфос бўш омборларда +13 дан +16 градусгача ва ундан юқори ҳароратда уч кеча-кундуз дудланади. Яхши шамоллатилгандан кейин биногоа кириш ва маҳсулот жойлаштиришга руҳсат берилади.

М.САДИРОВА, А.ИРСИБАЕВ,
“Тошкент Аэропорт”
ўсимликлар карантини чегара маскани инспекторлари

Олма қуяси

Маълумки, олма қурти барча ҳудудларда олма, нок ва беҳи меваларининг асосий зараркунандаси ҳисобланади. Ҳосилнинг 50 фоизгача зарар етказиши.

Унга қарши курашишда қуйидаги усул яхши ёрдам беради. Карбофос ёки Бензофосфат, Золон (100 литр сувга 200-300 грамм ҳисобда), бир гектарга эса 2,5-4,5 кг. сарфланади. Пиретридиллардан — Цимбуш, Ширпа, Нурелл — Д, Рипкорд (100 литр сувга 50-60 грамм ҳисобда) бир

гектарга эса 0,6-2 литргача сарфланади. Яна бир зараркунанда олма қуяси. Куя куртлари уйғонаётган куртакларни, кейин эса барглари ҳам еб қўяди. Каттиқ зарарланган дарахтлар ҳосил қилмайди. Куртлар тўп-тўп бўлиб яшайди ва битта шохнинг барглари ҳам еб бўлгач, ҳаммаси гала

бўлиб, иккинчи шохга ўтади. Дарахтнинг бутун шох-шаббалари ўргимчак тўри билан қоплангандек бўлиб қолади.

Олма қуясига қарши курашишда Аваунд (0,35 л/га), Арриво (0,16 л/га), Циракс (0,16-0,32 л/га), Ширпа (0,2 л/га), Золон (2,5-4,5 л/га), Децис (0,5 л/га), Нурелл — Д (0,5 л/га) кабилар қўлланилади.

У.АБДУҚАНОМОВ,
“Тошкент Аэропорт”
ўсимликлар карантини чегара маскани инспектори

Ўзбекистон «Адолат» СДП Марказий аппарати қуйидаги товарларни харид қилиш учун танлов эълон қилади.

1. Партия значоги — 10 000 дона.
2. Партия байроқчаси 15 X 25 — 5 000 дона.
3. Реклама монитори 2 X 40 — 15 дона.
4. Флагшток — 5 000 дона.
5. Фотоаппарат Canon EOS 750 D Kit 18-135 ISSTM — 15 дона.
6. Nikon D 5300 18 -140 — 15 дона.

Мурожаат учун телефон: 71 288-42-12.
Ички -148, 122

Таълимга бахшида умр

ЗАМОНИМИЗ ҚАҲРАМОНЛАРИ

Таълим. Шу сўз эшитилганида кўз ўнгимизда жонкуяр муаллиму меҳрибон муаллималар гавдаланади. Албатта, ҳар биримиз ҳам ўқувчи бўлганмиз. Юзларидан меҳр томиб, кўзларидан нур чарақлаб турган ўқитувчиларимизнинг меҳнатини, бу улук касбнинг машаққатларини яхши биламиз.

Ана шундай ўқитувчилардан бири, бутун умрини таълимга бағишлаб, юзлаб, минглаб ёшларни билимли, маънавий баркамол ва жисмонан соғлом вояга етказиш йўлида хизмат қилиб, эл-юрт ҳурмати-ю эҳтиромига, олқишига сазовор бўлган, меҳрибон, софдил ва камтарин инсон, партиянинг фаоли, "Ўзбекистон Қаҳрамони" Муҳаббат ШАРАПОВАдир.

Муҳаббат Шарапова 1949 йил 24 январда Қашқадарё вилоятида, азизу авлиёлар, соҳибқирону саркардалар бешиги бўлган гўзал ва мафтункор Шаҳрисабз шаҳрида таваллуд топди. 1956 йили Қарши туманидаги 29-ўрта мактабнинг биринчи синфига қабул қилинди. Ўқишини 9-синфдан Қарши шаҳридаги 5-ўрта мактабда давом эттирган Муҳаббат Шарапова ўзининг билимга бўлган қизиқиши ва иқтидори билан бу мактабда ҳам дарҳол устозларининг эътиборига тушди. Айниқса, бу чаққон қизчага математика фанининг танили ўқитувчиси Эркин Ашуров бефарқ бўлмади. Муҳаббат мактабни "Олтин медал" билан тамомлаб, Самарқанд давлат университетида математика сирларини чуқур ўрганди.

1971 йилда олий ўқув юртини тамомлаб, Қарши шаҳридаги 5-умумтаълим мактабиде математика фани ўқитувчиси ва 4-синф ўқувчиларига синф раҳбари сифатида иш бошлади.

Қаҳрамонимиз дарсларни хилма-хил усулларда ўтар, ҳар бир дарси ўзига хос услубда бўлиб, бири-бирига ўхшамас эди. Машғулотлари улғу аждодларимизнинг бой илмий ва маънавий меросини ўрганиш, уларга муносиб авлод бўлишга қизиқишни уйғотувчи таъсирчан сўзлар билан бошлади. Муҳаббат Шарапованинг ўзига хос услуби эди. У ҳозирги илгор таълим технологиялари ютуқларини, тест ва рейтинг баҳолаш тизимини 70-йиллардаёқ қўллаб бошлаган эди.

Муҳаббат Шарапованинг интилиши ва ташаббуси билан 1985 йилда Қашқадарё вилоятида биринчи бўлиб у таълим бераётган 5-ўрта таълим мактабиде математика фани чуқурлаштириб ўтиладиган алоҳида синф ташкил этилди. Махсус синов асосида 84 та талабгор ўқувчилар орасидан 21 нафар энг сара ўқувчилар танлаб олинди. 1998 йилга қадар ушбу таълим муассасасидан 7 мартаба битирувчи синфларни учирма қилди.

Очиғи, Истиқлол экинлари йиллар давомида кадр топмаган маориф соҳаси ходимларининг қаддини баланд кўтарди, машаққатли меҳнатлари қадрланди. Мустақиллик Муҳаббат опа ҳаётида янги даврни бошлаб берди. У 1991 йилда "Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси" унвонига эришган бўлса, 1992 йилда Ўзбекистон Республикаси

Президентининг «Фахрий ёрлиғи» билан тақдирланди. Давлат раҳбари томонидан билдирилган бундай рағбат ва ишонч уни янада руҳлантирди. Энди у аввалгиданда масъулият ва фидойилик билан меҳнат қилишга, юксак ишончни оқлашга интилди.

Президент фармонида кўра, «Муҳаббат Шарапова 1996 йилда «Меҳнат шўхрати» ордени билан мукофотланди. Ҳа, Мустақилликнинг дастлабки йилларида унинг меҳнати кетма-кет сийланди. Бундай юксак эътибор муаллимлар кўксига теккан истиқлолнинг ҳузурбахш шабадалари эди, аслида.

Шу кезларда Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрдаги қонунига мувофиқ 1 октябрь — «Ўқитувчи ва мураббийлар кунин» деб эълон қилинди. Муаллимлар, устозлар байрами — умумхалқ байрамига айланди. Ўқитувчига бўлган эътибор кун сайин ортиб борди. Бу вақтга келиб жамоасини юқори ўринлар сари етаклаган фидойи, меҳнатқаш ўқитувчи Муҳаббат Шарапова дони чикиб улгурган эди. Бундай жонкуяр, ишонч кўзини биладиган, тажрибали ўқитувчиларга ҳамма жойда талаб катта. Шу боис қаҳрамонимизни 1999 йилда Қарши давлат университети қошидаги лицей-интернатта ишга таъин қилинди.

Қадрдон мактабидан, сеvimли ўқувчиларидан ажралиш Муҳаббат Шарапова учун жуда оғир кечди. Нима қилсин, "Гап қаерда ва қайси лавозимда ишлашда эмас, муҳими жон-дилдан ишлашда". Орадан бир йил ҳам ўтмасдан Муҳаббат Шарапова «Қашқадарё фидойиси» сифатида эътироф этилди.

Албатта, ўз касбининг фидойиси кимни ҳам қизиқтирмайди, дейсиз. Муҳаббат Шарапова 2001 йилдан Қарши шаҳридаги 2-сонли ихтисослаштирилган мактаб-интернатга ўтказилди ва бу мактаб-интернат унинг учун серқирра ижод майдонига айланди. Шу боис унинг ўқувчилари фан олимпиадаларининг вилоят, республика ва халқаро босқичларида иштирок этиб, кетма-кет ғолибликни қўлга кирита бошлади. Ана шундай билимли ўқувчиларнинг бири Бекзод Акбаров 2006-2008 йилларда АҚШда магистратура йўналишида тахсил олди. Улғубек Каримов 2008 йилда Россияда бўлиб ўтган халқаро математика олимпиада-сида иштирок этиб, совриндор бўлди. Аслидин Алимов эса 2009-2011 йил

ларда Япониянинг Нагоя университети магистратурасини тугатиб, айна вақтда илмий изланишлар олиб бормоқда.

Қўллаб етук ва малакали кадрларни тайёрлашга ҳисса қўшган Муҳаббат Шараповани ҳозир меҳнат қилаётган даргоҳ омад, бахт ҳамда фаолият пиллаполярининг энг баланд чўққисига етаклади. У Юртбошимиз фармонида кўра, 2007 йили «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими» фахрий унвони билан тақдирланди. Бу унвон унинг зиммасига янада улкан масъулият юклатди.

Қарангки, 2013 йилда ўтказилган фан олимпиадаси ва «Билимлар беллашуви»нинг Қарши шаҳар босқичида 17 нафар, Қашқадарё вилоят босқичида 9 нафар, республика босқичида эса 2 нафар ўқувчи фахрий ўринларни эгаллашган бўлса, 2015 йилда Хитой Халқ Республикасида 14 ёшлилар ўртасида бўлиб ўтган ва йигирма тўққизта давлатдан 600 нафардан ортик ўқувчи иштирок этган халқаро олимпиадада интернат-мактабнинг 7-синф ўқувчиси Саидали Муродуллаев математика фанидан фахрли 2-ўринни эгаллади.

Ўтган йилларда Муҳаббат Шарапованинг ўқувчилари 22 мартаба республика, 7 мартаба халқаро танлов ва фан олимпиадаларининг якуний босқичида иштирок этишган. Ўқитувчининг қўллаб шогирдлари бутунги кунда хоризж ва республикаси нуфузли олий ўқув юртларида тахсил олишмоқда. Шогирдларидан Азизбек ва Авазбек Норматовлар Англияда Лондон-Уэлс университетини «Бизнес менежменти» мутахассислиги бўйича тамомлаганини мисол келтириш мумкин.

Яна ўнлаб шогирдлари Англиянинг Вестминстер университетининг акридитланган институти, И.М. Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университетининг (МТУ) Тошкент шаҳридаги филиали, Тошкент шаҳридаги Сингапур менежменти ривожлантириш институтида, Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университетининг Тошкентдаги филиалида ҳамда Москва давлат халқаро муносабатлар институтида (МГИМО)да тахсил олишди.

Фан олимпиадаларида иштирок этган ва ғолиб бўлган ўқувчилари жаҳоннинг энг нуфузли олий ўқув юртларида таълим олиб, эндиликда масъулиятли вазифаларда фаолият юритишмоқда.

Қашқадарё вилоят педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтининг тасвирисига биноан Муҳаббат Шарапованинг 2011 йилда «Тригонометрия тарихи ҳақида қисқача маълумот» ҳамда «Планиметрия» бўлимини такрорлаш бўйича но-анъанавий дарс ишланмаси, 2012 йилда математика фанидан 5-синф дарслигига илова тариқасида «Масалалар тўплами», 2014 йилда «Модули функциялар» ва «Қўпхадлар» қўлланмалари нашр этилди. Ушбу қўлланмалар

ўқитувчилар, юқори синф ўқувчилари учун мўлжалланган бўлиб, айна пайтда улардан таълим жараёнида кенг фойдаланилмоқда. Муҳаббат Шарапова 1998 йилдан буён давлат таълим тизимини такомиллаштириш жараёнида фаол иштирок этиб, ўзининг фикр-мулоҳаза, тақлифларини Республика таълим марказига тақдим этиб келмоқда. 1993 йилдан бошлаб «Давлат тест маркази» томонидан чиқарилган тест ахборотномаларида у томонидан тузилган тестлар чоп этилган. Математика фани ўқитилиши бўйича ўқувчилар учун 6500 дан зиёд тест топшириқлари тузган, улардан ҳозирда дарс жараёнларида самарали фойдаланиб келинмоқда.

Ана шундай салмоқли меҳнат самараси ўлароқ Муҳаббат Шарапова 2016 йилда Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг жаҳон микёсидаги шон-шўхратини юксалтириш, ислохотларни муваффақиятли амалга ошириш борасида давлат ва халқ олдидаги улкан хизматлари, ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳалардаги кўп йиллик фидо-корона меҳнати ҳамда ёш авлодни ватанпарварлик ва истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашга қўшган катта ҳиссаси учун давлатимизнинг энг юксак мукофоти — «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони, олий нишон — «Олтин юлдуз» медали билан тақдирланди.

— Айна истиқлол туфайли устоз-мураббийларнинг қадри юксалди — дейди Муҳаббат Шарапова. — Меҳнатлари муносиб рағбатлантирилмоқда. Ўтган йилларда мен каби яна етти нафар педагог давлатимизнинг энг юксак унвонига муносиб қўрилгани ҳам аслида таълим соҳасида меҳнат қилаётган юз минглаб фидойи ўқитувчилар меҳнатига берилган олий баҳодир.

Аслида, бу касбга бўлган қизиқиш-ни мактабда ўқиб юрган кезларимда устозларим уйғотишган. Ўшанда, агар ўқитувчи бўлсам, устозларимдек дарс бераман, деб кўнглимга тугиб қўйгандим. Шўқри, ниятимга етдим. Ўқувчиларим ҳар гал «устоз» деганларида кўнглим тоғдек кўтарилди. Шу касб туфайли элда ҳурмат-этибор топдим. Бутун мен ўқитган, таълим берган ўқувчилар улғайиб, турли соҳаларда ишлаб, юртимиз равангага ўз ҳиссаларини қўшаётганлигини кўриб, беҳад қувонаман.

Бугунги кунда Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан ўқитувчиларга янада катта ҳурмат-этибор

Қўёш ўзининг заррин нурлари билан табиатга жон ато этгани сингари устозлик маҳорати, салоҳияти ва тажрибаси билан ўз шогирдлари қалбини илм зиёси ила тўлдирган олган Муҳаббат Шарапова бугун нафақат давлатимизнинг энг юксак унвони соҳиб, балки чин маънода замонамиз қаҳрамонидир. Зеро, унинг босиб ўтган умр йўли, меҳнатсеварлиги, ватанпарварлиги, муаллим сифатида яратган ўзига хос ҳаёт мактаби ёш авлод учун ибрат ва намуна мактабидир.



кўрсатилганлиги, ушбу касбнинг жамиятдаги обрўси ва нуфузини оширишга, уларнинг меҳнати ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватланаётгани бизни янада яхшироқ ишлашга руҳлантирмоқда.

Айниқса, кейинги икки йилдан ошқ вақт давомида таълим тизимини сифат жиҳатдан ислох қилиш, мамлакатимиз дунёнинг энг ривожланган давлатлари қаторидан ўрин эгаллашига ҳисса қўша оладиган замонавий, юқори малакали кадрларни тайёрлаш борасида амалга оширилаётган комплекс чора-тадбирлар барчамизни хурсанд қилмоқда.

Ҳа, Муҳаббат опанинг ўз касбига бўлган меҳри, ишга бўлган шижоатини кўрган инсон уни муборак 70 ёшга кирган деб ўйламайди. У ҳамон келажагимиз эгалари бўлган ёш авлодга математика фани сир-асрорларини ўргатишдан чарчамайди.

Дарҳақиқат, умрини, билим ва тажрибасини ёш авлод келажаги учун бағишлаган муаллимнинг чин маънода касбидан саодат топган аёл дейиш мумкин. Муҳаббат опа умрининг 48 йилини таълимга, математиканинг сеҳр ва жозибасини шогирдларига сингдиришга бағишлади, бор меҳрини, билимини болаларга берди.

Ҳар қандай давлатнинг эртанги кунини, шубҳасиз, интеллектуал салоҳияти юқори, мустақил фикр ва кенг дунёқарашга эга кадрларни тайёрлашга, қолаверса, уларнинг меҳнати ва интилишига боғлиқ. Ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялашдек ўта муҳим ва долзарб вазифа кўл жиҳатдан ўқитувчи ва мураббийлар зиммасига юклатилди. Ушбу жавобгарликни чуқур ҳис қила билган Муҳаббат Шарапованинг ҳозиргача эришган ютуқлари тўғрисида бир неча томдан иборат асар ёзма арзийди аслида. Энг муҳими, у каби замонамиз қаҳрамонларининг шарафли ҳаёт йўли ва меҳнат фаолияти келажак авлод учун устозлар мактабидир.

Абдуқамол РАҲМОНОВ

Дунё хабарлари

Қисқа сатрларда

Швецияда рассомлар Саймон Голдин ва Якоб Сеннеби ҳеч қачон ҳеч нарса қилиши керак бўлмаган бир умрлик иш тақлиф қилди. Бу ҳақда "korrespondent.net" хабар қилмоқда.

Рассомлар аллақачон 650 минг долларни ташкил этадиган ва ўсиб борадиган "бир умрлик иш ўрни" жамғармасини яратган. Ишга кирган одам Гетеборг шаҳридаги вокзалда жойлашган "иш жойи"га белгиланган вақт ичида келиши ва "иш кунини охирида" кетиши керак. Шунингдек, ишга кирган одам истаган машғулоти билан шуғулланиши мумкин. Тажриба 120 йилга мўлжалланган, ишга фақат бир киши қабул қилинади, лекин у ишдан бўшаса, унинг ўрнига бошқа одам ишга олинади. Рассомлар ишчи таътил ва нафақа учун кўп пул топаман деб қийналмаслиги учун юқори маош тақлиф қилмоқда. Вакансия 2025 йилда очилади.

Бу билан Саймон Голдин ва Якоб Сеннеби ҳеч бир иш қилмай бир умр ойлик оладиган инсон ҳақида афсона ёки мем яратиш ниятида.

10 март кунини Аддис-Абеба аэропортидан парвоз қилганидан кейин кўп ўтмай ерга қулаган "Ethiopian Airlines" компаниясига қарашли "Boeing 737" самолётининг йўловчиларидан бири янги туғилган кунини нишонлади ва айна пайтда соғ-омон яшада давом этмоқда.

"Greek Reporter" ахборот агентлиги маълумотида кўра, бу Греция фуқароси Антониос Маврополосдир.

Гап шундаки, у маъмур ҳалокатли рейсга кеч қолган. У Грециянинг ALPHA TV каналига берган интервьюсида атиги икки дақиқа кечикканини айтди. "Одамлар ҳали самолётга ўтираётганини кўриб турардим. Шунга қарамай, ўтишимиз руҳсат беришди. Жуда қаттиқ газабим келганди ўшанда", деди у.

Тожикистон фуқароларига электрон хизматлар кўрсатувчи хоржий компаниялар солиқ тўлаши керак. Тез орада ҳукуматга тақдим қилиниши керак бўлган қонун лойиҳасини ишлаб чиқувчиларнинг фикри шундай. Қонун лойиҳаси тасдиқланадиган бўлса, Тожикистон ҳудудларида электрон контентни сотувчилар, жумладан, "Google" мамлакат солиқ идорасига ҳисоботларни тақдим қилишлари ва ҚҚС тўлашлари керак бўлади.

Қонун лойиҳаси Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган ва айна дамба тегишли давлат идоралари билан маслаҳатлашув жараёнидан ўтмоқда, шундан сўнг кўриб чиқиш учун ҳукуматга юборилади, деди журналистлар билан учрашувда Тожикистон солиқ қўмитаси ходими Завқибек Шодийев.

Манба: Интернет хабарлари.

«Жомбой дехқон бозори»
МЧЖ Жамоаси

юртимизда истиқомат қилаётган барча миллат ва элат вакилларини, ташриф буюрган меҳмонларни муҳаббат ва садоқат каби эзгу ғояларни ўзида мужассам этган қадимий ва миллий байрам

Наврўзи олам
билан муборакбод этади.

Дастурхонларимиз тўкин, ҳаётимиз фаровон, бозорларимиз обод бўлсин!

«Сиёб дехқон бозори»
МЧЖ Жамоаси

барча юртдошларимизни яқинлашиб келаётган яшариш, янгилашиш ва уйғониш фасли, йилбоши байрами

Наврўзи олам
билан самимий муборакбод этади.

Бу йилги Наврўз барча юртдошларимизнинг хонадонига қут-барака олиб келсин!

**Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги
Тошкент шаҳар Ўсимликлар карантини
ҳудудий инспекцияси жамоаси**



муҳтарам онажонлар,
азиз аёллар ва қадрли опа-сингилларни
ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ ва
БАҲОР АЙЁМИ билан табриклайди!

Аёлни улуғламоқ — оилани,
Ватанни улуғламоқ демакдир.

Тилагимиз шуки, баҳор чечаклари ифори,
қувончу шодликлари сизларни асло
тарк этмасин!



**Оиламиз чиройи ва чароғбони бўлган сиз, азизларга
меҳр-муҳаббат ардоғида яшаш бахти ҳамisha насиб этсин!**

Реклама



**ОҲАНГАРОН ТУМАНИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БЎЛИМИ
ЖАМОАСИ**

юртдошларимизни ва юртимиз
меҳмонларини яқинлашиб келаётган

НАВРЎ БАЙРАМИ

билан муборакбод этади!

**Барчангизга мустаҳкам соғлиқ,
бахт ва омад ёр бўлсин!**



**ПОП ТУМАНИДАГИ
“ОДИЛБЕК АБДУЛЛАЖОН ЎҒЛИ”
ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ ЖАМОАСИ**

барча юртдошларимизни,
бободехқон ва фермерларни
НАВРЎ АЙЁМИ
билан қутлайди!

Бу йилги баҳор жаннатмонанд
диёримизга мўл-кўлчилик ҳамда
фаровонлик олиб келсин.
Энг олий неъматимиз бўлмиш
тинчлик-осойишталигимизга
кўз тегмасин!



Х
и
т
м
а
л
и
а
т
.
И
л
т
с
е
н
з
и
у
а
л
л
а
н

**Тошкент вилоят ДСЭН
маркази ходимлари**

ҳамюртларимизни
яқинлашиб
келаётган
Наврўз байрами
билан чин дилдан
табриклайди.



**Наврўз хонадонингизга
олам-олам қувонч
олиб келсин,
азизлар!**



МУАССИС:

Бош муҳаррир: Ислоҳ ҲАМРОЕВ

Бўлимлар:

Таҳрир ҳайъати:
Наримон УМАРОВ
Муҳаммад АЛИ
Гавҳар АЛИМОВА
Муҳаррам ДАДАХОДЖАЕВА
Қодир ЖЎРАЕВ

Тошпўлат МАТИБАЕВ
Таъабт МУРОДОВ
Абдуқамол РАҲМОНОВ
Собир ТУРСУНОВ
Алишер ШОДМОНОВ
Шухрат ЯКУБОВ

Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 71 288-46-54 (149); Котибият — 71 288-42-14 (144);
Ахборот, ҳуқуқ ва хатлар бўлими — 71 288-42-12 (144); Қабулхона — 71 288-42-12 (141) факс;
Реклама бўлими — 71 288-42-14 (144); 90 900-72-15
Навбатчи муҳаррир — Саодат Раҳимова
Навбатчи — Бобиржон Тунгатов

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда
руйхатга олинган. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми — 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Буюртма Г — 300.
1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган
Таҳририят манзили: 100043,
Тошкент шаҳри, Чиланзор тумани «Шарқ тоғи» кўчаси, 23-уй.
info@adolatgz.uz adolatgz-95@mail.ru
Адади — 3764
Босишга тошириш вақти — 23.00
Босишга тоширилади — 24.24
Баҳоси келишган нархда
Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.
Газетанинг етказиб берилиши учун оубуни расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

НАШР
КЎРСАТКИЧИ: 100

